

Xabar

14
(1020)-son

6-aprel

www.xabar.uz
info@xabar.uz

2012

O'ZBEKISTON ALOQA VA AXBOROTLASHTIRISH AGENTLIGI NASHRI 1992-yil martdan chiqa boshlagan



Пойтахтимиз Халқаро телекоммуникация
иттифоқининг йирик тадбирларига мезбонлик қилди



Минтақавий тайёргарлик



2-6 апрел кунлари Халқаро телекоммуникация иттифоқининг (ХТИ) минтақавий тадбирлари: МДХ мамлакатлари учун "Стандартлаштиришда узилишни бартараф қилиш" мавзuida 2012 йил ХТИ Форуми; Алоқа соҳасидаги ҳудудий ҳамдўстликнинг (АСХХ) Телекоммуникацияларни стандартлаштириш бўйича Бутунжаҳон ассамблеясига минтақавий тайёргарлик ҳамда Халқаро телекоммуникация бўйича Бутунжаҳон анжуманига минтақавий тайёргарлик йиғилишлари бўлиб ўтди.

3-бет

Сўнги янгилик!

АЛОҚАЧИ-СПОРТЧИЛАР

ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИДАН МЕДАЛЛАР БИЛАН ҚАЙТИШДИ



Суратда: (чапдан ўнганга) Шерзод АБДУЛЛАЕВ,
Ойбек НОРМЕТОВ, Музаффар ГАЗИЕВ.

15-бет

Ушбу сонда:

DVB-T2 стандарти	2
Оиланинг маънавий асослари	5
Вниманию жителей города Ташкента и гостей столицы!	6
Компютер ўйинлари: Фойдалими ёки зарарли?	11
Сервис ва хизмат кўрсатиш	12
Бўл она оёгин тупроғи...	14

Теледастурлар, спорт, кроссвордлар

Jumadan Jumagacha

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 29 март куни Оқсаройда АҚШ Қуролли Кучлари Марказий қўмондонлиги қўмондони Жеймс Мэттисни қабул қилди. Учрашувда минтақадаги мавжуд вазият, Афғонистон муаммосини ҳал қилиш, шунингдек, ўзаро муносабатларни ривожлантириш ва кенгайтириш борасида томонларни қизиқтирган масалалар, жумладан, ҳарбий ва ҳарбий-техникавий соҳалардаги ҳамкорлик юзасидан фикр алмашилди.

Зарафшон шаҳрида Президентимизнинг "Ўзбекистон мустақилликка эришиш оstonасида" асарини ўрганишга бағишланган тадбир ўтказилди. Анжуманда асарни чуқур ўрганиш, ёшларни миллий истиқлол ғоялари руҳида тарбиялаш масаласига кенг эътибор қаратиш лозимлиги таъкидлаб ўтилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитаси томонидан "Аҳолининг репродуктив саломатлигини муҳофаза қилиш ва унинг ҳуқуқий асосини яратиб — мустақкам оила гарови" мавзусида семинар ўтказилди. Унда "Мустақкам оила йили Давлат дастури"да оила саломатлиги, оналик ва болаликни муҳофазалаш, ёш авлоднинг ҳар томонлама баркамол вояга етказиш бўйича белгилаб берилган устувор вазибаларнинг аҳамияти ҳақида фикр алмашилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасида Республика ахборот-кутубхона тизими фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича идоралараро кенгашининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 20 мартда қабул қилинган Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси — ахборот-ресурс маркази фаолиятини такомиллаштириш чоралари тўғрисидаги қароридан белгиланган вазибаларнинг ижросини таъминлаш масаласи кўриб чиқилди.

Нукусда Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти Одам савдосига қарши курашиш бўйича шаҳар ва туманлар ҳудудий идоралараро комиссиялари масъул котиблари иштирокида ўқув-семинар бўлиб ўтди.

Самарқанд давлат чет тиллар институтида Япониянинг Цукуба университети билан ҳамкорликда "Тил, маданият, жамият — цивилизациялар чоррахасида" мавзусида халқаро илмий-амалий анжуман уюштирилди.

Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг навбатдаги Ҳайъат йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилишни Агентлик Бош директори, Ҳайъат раиси Х.Мирзахидов бошқарди.

DVB-T2 стандарти

Ҳадемай мазкур стандартда ишловчи рақамли телевидение тажрибавий ҳудуди ташкил этилади

Кун тартибидagi "Республика магистрал алоқа линиялари ишончилигини ошириш ва барқарорлигини таъминлаш тўғрисида"ги масала бўйича "Ўзбектелеком" АК бош директорининг биринчи ўринбосари К.Юлдашев маъруза қилди.

Маърузачи бугунги кунда "Ўзбектелеком" АК телекоммуникация транспорт тармоғи PPL/SDH/DWDM технологиялари асосида қурилганлигини таъкидлаб, уларга батафсил тўхтади. Жумладан:

- Тошкент - Фарғона водийси йўналишида NEC(PPL/SDH) ва Huawei (SDH/DWDM) компанияларининг қурилмалари;

- Тошкент - Бухоро йўналишида NSN(SDH/DWDM) ва NEC (PPL/SDH/DWDM) компанияларининг қурилмалари;

- Бухоро - Нукус - Қўнғирот йўналишида NEC (SDH/DWDM) компаниясининг қурилмалари;

- Бухоро - Қарши - Термиз йўналишида Huawei (SDH) ва NEC (PPL/SDH/DWDM) компанияларининг қурилмалари ўрнатилган.

Қўшни давлатлар билан чегараолди ўтиш нукталари яшовчанлигини ва ишончилигини ошириш мақсадида, "Ўзбектелеком" АК томонидан қуйидаги:

- Олот - Чоржоу ораллиғидаги халқаро уланиш нуктасини захиралаш учун Манғит (Ўзбекистон) - Тошовуз (Туркменистон) участкасида ОТАЛ қуриш;

- Денов - Турсунзода ораллиғидаги асосий халқаро уланиш нуктасини захиралаш учун Денов (Ўзбекистон) - Турсунзода (Тожикистон) участкасида алтернатив йўналиши орқали ОТАЛ қуриш;

- Нукус - Қўнғирот - Жаслик - Карақалпақия ораллиғидаги ОТАЛни захиралаш учун Бозотоу-Қўнғирот, Мўйноқ - Қибла - Устюрт ҳамда Жаслик - Карақалпақия участкалари ораллиғида алтернатив йўналиш орқали ОТАЛ қуриш;

- Нукус - Урганч ораллиғидаги ОТАЛни захиралаш учун Урганч - Беруний участка ораллиғида алтернатив йўналиш орқали ОТАЛ қуриш ишлари амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган телекоммуникация тизимларини қуриш, модернизация ва реконструкция қилиш бўйича 2015 йилгача бўлган аниқ комплекс чора-тадбирлар режаси доирасида "Ўзбектелеком" АК транспорт тармоқларини туман марказларигача кенгайтириш ва захиралаш белгиланган. Мазкур тадбир билан тармоқнинг ўтказувчанлик қобилиятини ошириш, жумладан, халқаро йўналишида 100G, вилоят марказларигача 40G, туман марказларигача 10G етказиш кўзда тутилган.

Ушбу лойиҳа кенг поласали тармоқлар (кўшимча хизмат турларини ошириш жумладан, Internet, IP-TV, VoD), мобил алоқа операторлар (3G, 4G кенг татбиқ этиш) ва халқаро операторлар (10GE), вилоят ҳамда туман марказлари миқёсида турли вазирлик ва идоралар эҳтиёжларини (VPN тармоқни ташкил этиш) қондириш имкониятини яратди.

"Тошкент шаҳрида DVB-T2 стандартида ишловчи рақамли телевидение тажрибавий ҳудудини ташкил этиш тўғрисида" Агентликнинг радиоалоқа, радиоэшитириш ва телевидение бўлими бошлиғи Ю.Камолов ахборот берди. Ахборотчи республикада DVB-T стандартидаги узатилаётган видеосигнални MPEG-4 форматига сикиш усулида рақамли телевидение тармоғи ташкил этилганлиги, ҳозирда аҳолига бепул асосда биринчи ижтимоий тўплам теледустурлари (12та, шу жумладан, гўртта давлат ("O'zbekiston", "Yoshlar", "Toshkent" ва "Sport"), учта нодавлат

(NTT, TVM ва СофтС) ва бешта хорижий теледустурлар тарқатилаётганлигини маълум қилди. Шунингдек, Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Андижон, Урганч, Нукус шаҳарлари ва Қашқадарё вилоятининг Одамтош станциясида рақамли телеузаткичлар ўрнатилиб, ишга туширилган ва республика аҳолисининг 37,5 фоизи рақамли теледустурларни кўра олиш имкониятига эга.

"Ўзбекистон Республикасида рақамли телевидениега ўтиш чора-тадбирлари Давлат дастури"га асосан рақамли телевидение ривожлантириш икки босқичда амалга оширилади:

Биринчи босқичда (2011-2015 йиллар) республика аҳолисининг 80 фоизини рақамли телевидение билан таъминлаш мақсадида вилоят марказлари ва йирик шаҳарларга 50дан орტიқ рақамли телевизион узаткичлар ўрнатилиши режалаштирилган.

Иккинчи босқичда (2016-2018 йиллар) республика аҳолисининг 100 фоизини рақамли телевидение билан таъминлаш мақсадида узок ва бориш қийин бўлган тоғли аҳоли турар жойларига 300дан орტიқ кам қувватли рақамли телевизион узаткичлар ўрнатилиши режалаштирилган.

Айни пайтда Тошкент телеминосрасида DVB-T стандартида ишловчи 4та рақамли телеузаткичлар ишлаб турибди.

Рақамли телевидение DVB-T2 стандартининг устуворлигини ҳисобга олиб, Тошкент шаҳрида ташкил этилган инфратузилманинг самарали ечимини иноватга олган ҳолда, битта 2,0 кВт қувватли DVB-T2 стандартидаги рақамли телевизион узаткични ўрнатиш лозим.

Технологияларнинг ривожланиши рақамли телевидениенинг 2-авлоди DVB-T2 (Digital Video Broadcasting - Second Generation Terrestrial) стандарти яратилишига олиб келди. DVB-T2 стандарти DVB-T стандартидаги рақамли телевидение тармоқининг частота ресурслари ва топологиясидан фойдаланган ҳолда, ахборот ҳажмини камида 50 фоизгача кенгайтириш имкониятига эгаллиги, шу билан бирга, битта мультиплексдаги дастурлар сонининг оширилиши, кўшимча маълумотларни узатиш, кўшимча маълумотларни узатиш ва келажакда республикада юқори аниқликдаги телевидение жорий этиш имкониятини яратди.

Ҳайъатда қўрилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

DVB-T2 стандартининг энг асосий хусусиятлари:

- DVB-T стандартига қараганда ўтказиш хусусиятининг 50 фонздан юқорилиги;
- мобил ва стационар қабул қилинганларга ҳам дастурларнинг узатилиши;
- DVB-Tнинг мавжуд инфратузилмасидан кенг фойдаланиши;
- энг юқори қувватнинг ўртача қувватга нисбатан камайирилиши ҳисобига узатиш томонида эксплуатацион чиқимларнинг камайирилиши;
- битта мультиплексда узатиладиган теледустурлар сонининг оширилиши;
- кўшимча маълумотлар узатиш;
- юқори аниқликдаги (HD) телевидениенинг ривожланиши таъминлаш;
- 3D стандартидаги видеосигналларни узатиш.

Хорижда

2008 йилнинг июн ойида Европада DVB-T2 стандартининг жорий этилиши бошланган, 2009 йил декабр ойида Буюк Британияда синов тарихида ишга туширилган, пикорат асосида эса 2010 йилнинг апрел ойида ишга туширилган. Италияда битта телеузаткич ўрнатилган, 2010 йил октябр ойида синов тарихида ишга туширилган. Швецияда иккита телеузаткич ўрнатилган, пикорат асосида эса 2010 йилнинг ноябр ойида ишга туширилган. Финляндияда бешта телеузаткич ўрнатилган, пикорат асосида эса 2011 йилнинг феврал ойида ишга туширилган.

МДХ давлатлари ўртасида Украинада 2011 йилнинг 1 ноябрдан бошлаб синов-тажриба асосида рақамли телевидениени эфирга узатиш бошланди. Россия Федерациясида DVB-T2 стандарти базасидаги рақамли телевидениенинг иккинчи авлоди 2012 йилнинг 1 мартдан Татаристонда ишга туширилади. Беларуссия ва Қозғоғистонда 2011 йилдан бошлаб DVB-T2 стандартидаги рақамли телевидение тармоқидан синов-тажриба тарихида фойдаланиб келинмоқда.

Х.МИРЗАХИДОВ,
Ўзбекистон алоқа ва
ахборотлаштириш
агентлиги Бош директори:

глобал ахборот-коммуникация технологиялари стандартлари мамлакатлар ўртасида рақамли тафовутни бартараф этиш, соғлиқни сақлаш, хавфсизлик ва атроф-муҳитни ҳимоя қилиш масалаларида ҳамкорликни мустаҳкамлашга, энг асосийси, қурраи заминдаги барча инсонларнинг фаровон турмуш кечирishiга хизмат қилади.

Шундай улкан мақсадларга йўналтирилган ассамблея ва анжуманларга пухта ҳозирлик кўришга қаратилган ушбу йиғилишларда иштирокчи давлатлар олдида миллий эҳтиёжларни ҳисобга олган ҳолда аниқ ва тушуварли тарзда янги стандартдаги технологиялар ривожланишини бошқариш ва тартибга солиш механизмларини ишлаб чиқиш вазифаси қўйилган. Аминманки, форум доирасида иштирокчи давлатларнинг умумий қарашлари ўз аксини топади.

Халқаро телекоммуникация иттифоқи ҳамда Алоқа соҳасидаги ҳудудий ҳамдўстлик томонидан Ўзбекистонда шу каби йирик форумларнинг ўтказилиши аънаанага айланиб қолади, деган умидданам.

(Давоми. Бошланиши 1-бетда.)

Халқаро телекоммуникация иттифоқининг минтақавий форумида АСХ-Ҳга аъзо тўққиз мамлакат маъмуриятлари: Озарбайжон, Арманистон, Козогистон, Қирғизистон, Молдова, Тожикистон, Ўзбекистон, Украина Республикалари, Россия Федерациясидан, шунингдек, ХТИга аъзо бошқа давлатлардан келган 70га яқин вакиллар, экспертлар иштирок этди. Тадбирнинг очилиш маросимида Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги Бош директори Х.Мирзахидов, АСХХ ижроия қўмитаси бош директори Н.Мухитдинов, ХТИнинг электралоқа стандартлаштириш Бюроси директори Малколм Жонсон ва ХТИнинг электралоқани ривожлантириш Бюроси директори Ю.Гринлар сўзга чиқишди.

Форум доирасида АСХХга аъзо мамлакатларнинг ХТИ томонидан стандартларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш соҳасида амалга оширилаётган ишлардаги ҳамкорлиги ҳамда иштирокчини мустаҳкамлаш, кенгайтириш йўллари ва воситалари муҳокама қилинди. Шунингдек, ривожланаётган ва ривожланган мамлакатлар ўртасида стандартлаштириш соҳасидаги узил-шилларни бартараф қилишга қаратилган Радиоалоқа Ассамблеяси (Женева, 2007 й.), Телекоммуникацияларни ривожлантириш Бутунжаҳон анжумани (Хайдаробод, 2010 й.) ва ТСББА-08 (Йоханнесбург, 2008 й.)га тегишли резолюциялар кўриб чиқилди.

Уч йўналишида олиб борилган форум шўъбаларида долзарб маърузалар ўқилди. Жумладан, киберхавфсизлик, АСХХ давлатларида стандартлаштириш соҳасидаги узил-шилларни бартараф қилиш, кишлоқ ва узок ҳудудларда ишончли ва камхаржли мобил алоқа тармоғини йўлга қўйиш, кенгполсалли алоқани универсаллаштириш каби катор мавзулар муҳокамада бўлди.

ТСББА-2012га минтақавий тайёргарлик

Форум ишининг иккинчи кунида АСХХнинг Телекоммуникацияларни стандартлаштириш бўйича Бутунжаҳон ассамблеяси (ТСББА-2012)га минтақавий тайёргарлик йиғилиши бўлиб ўтди. Тадбирда келажак авлод тармоқларининг (NGN) эволюцияси масалалари ва тегишли фойдаланиш, хизмат кўрсатиш ва тармоқ архитектураси технологиялари учун келажак-

— Бутун дунёда халқаро стандартлар тарзида кенг фойдаланиладиган "Халқаро телекоммуникация иттифоқи тавсиялари" деган ибора мутахассисларга жуда яхши таниш.

Таъкидлаш лозимки, ХТИнинг асосий эътибори телекоммуникация ва ахборот технологиялари соҳасида стандартларни ишлаб чиқиш, мамлакатларга керакли техник ёрдам кўрсатиш, янги технологиялар афзалликларини омдалаштиришга қўмаклашиш, телекоммуникацияларнинг турли шаклларини такомиллаштириш ва улардан оқилона фойдаланиш мақсадида халқаро ҳамкорликни таъминлаш ва кенгайтиришга қаратилган.

Аъзо давлатлар манфаатлари ва эҳтиёжлари ҳисобга олинган ҳолда ўз вақтида ишлаб чиқилган самарали

Аъзо давлатлар манфаатлари ва эҳтиёжлари ҳисобга олинган ҳолда ўз вақтида ишлаб чиқилган самарали

Аъзо давлатлар манфаатлари ва эҳтиёжлари ҳисобга олинган ҳолда ўз вақтида ишлаб чиқилган самарали

Минтақавий тайёргарлик

Пойтахтимиз Халқаро телекоммуникация иттифоқининг йирик тадбирларига мезбонлик қилди



даги истиқболлар муҳокама қилинди. Йиғилишда конвергенция; маиший, офис ва мобил дастурлар; IP асосидаги платформалар; кўп маротаба фойдаланиш имкониятига эга тармоқлар ҳамда NGN учун тегишли бизнес моделлар мавзуларига алоҳида эътибор қаратилди. Шунингдек, ТСББА-08 (Йоханнесбург, 2008 й.)нинг асосий якунлари ва ТСББА-2012га тайёргарлик ишларининг ахволи кўриб чиқилди. Шу аснода ассамблеяда иштирок этиши кутилаётган иштирокчилар, ТСББА-12 тузилиши, мақсадлари ва моддий-техник таъминоти ўрганилди.

ХТББА-2012га минтақавий тайёргарлик

Форум доирасидаги сўнгги тадбир: Халқаро телекоммуникация бўйича Бутунжаҳон анжумани (ХТББА-2012)га минтақавий тайёргарлик йиғилишида тайёргарлик ишлари ахволи, ХТББА-12 тузилиши, мақсадлари ва моддий-техник таъминоти, шунингдек, 1988 йилда қабул қилинган Халқаро телекоммуникация Регламентига тақлиф этилаётган ўзгаришлар ва бошқа ҳудудий ташкилотларнинг тақлифлари кўриб чиқилди. Шунингдек, ХТББА-12га тақлифлар ва раҳбарлик лавозимларига тайинланиши мумкин бўлган номзодлар муҳокама қилинди.

ХТББА-12га ҳозирлик йиғилиши минтақа мамлакатларининг йирик ан-

жумандаги қарашларини мувофиқлаштириш ва тақлифларини тайёрлаш учун ўтказилмоқда. Йиғилишнинг асосий мақсади АСХХ кўпчилиги аъзоларининг фикрича, замонавий АКТ муҳитига жавоб бермайдиган Халқаро телекоммуникация регламентини (ХЭР) қайта кўриш ёки янгилаш учун лозим бўлган жорий ишларни муҳокама қилишдан иборат. ХЭР 1988 йилда қабул қилинган бўлиб, шу вақтгача қайта ишланмаган. ХЭР ва АСХХнинг асосий ҳужжатлари бўлган Устав ва Конвенция ўртасида ўзаро боғлиқликни таъминлаш муҳим вазифадир.

ТСББА-12 ва ХТББА-12га минтақавий ҳозирлик йиғилишларини Ўзбекистонда ўтказиш республика манфаатларини ХТИда мазкур йирик анжуманлар доирасида илгари суриш, минтақада телекоммуникация стандартларини такомиллаштириш ва жорий этиш масалаларини муҳокама қилиш, иштирокчиларни ўзбекистоннинг стандартлаштириш соҳасидаги тажрибаси билан таништириш, минтақанинг ХТББА-12га тақлифларини мувофиқлаштириш имконини берди.

Форум иштирокчилари ушбу йирик тадбирларни қабул қилган Ўзбекистон Республикаси алоқа маъмуриятига илиқ қабул ва ташкилотчилик учун миннатдорчилик билдиришди.

Лутфилло ТУРСУНОВ

Малколм ЖОНСОН,
ХТИнинг электралоқа
стандартлаштириш
Бюроси директори:

— Ўзбекистонда ўтказилаётган мазкур форум жуда катта тадбир ҳисобланади, чунки унинг доирасида йил охирида ўтадиган муҳим анжуманларга тайёргарлик кўриляпти. Айнан Тошкентда муҳокама қилинган ва йиғилган тақлифлар Телекоммуникацияларни стандартлаштириш бўйича Бутунжаҳон ассамблеяси ҳамда Халқаро телекоммуникация бўйича Бутунжаҳон анжуманига МДХ минтақаси номида киритилади.

Бугунги кунда халқаро стандартларга жуда катта масала сифатида қаралиб келинмоқда. Бу бежиз эмас, чунки агар турли мамлакатлар алоқа операторларининг стандартлари ягона халқаро шаклда бўлса, сифат яхшиланиши билан бирга, фойдаланувчиларга дунё бўйлаб алоқа ўрнатиш осонлашади. Халқаро стандартларнинг аҳамияти тўғрисида яна бир мисол келтириш мумкинки, агар Ўзбекистонда АКТ йўналишидаги ускуналар ишлаб чиқарилса, бу ускуналарни бемаълум хориж мамлакатларига сотиш имкони юзага келади. Бир стандарт технологиялар жамият тараққиётига хизмат қилади, нархлар пасаяди ва бундан барча давлатлар фойда кўради. Таъкидлаш жоизки, бугунги кунда Ўзбекистон Халқаро телекоммуникация иттифоқининг фаол аъзоларидан бири бўлиб, телекоммуникациялар соҳасининг тараққиётига ўзининг муносиб ҳиссасини қўшиб келмоқда.

МАЪЛУМОТ ЎРНИДА:

Халқаро телекоммуникация иттифоқи — БМТнинг ихтисослаштирилган муассасаси ҳисобланади. Ўзбекистон алоқа маъмурияти ХТИ фаолиятида фаол иштирок этиб, унинг стандартларини Ўзбекистонда тарғиб қилиш ва кенг қўллаш бўйича чоралар кўриб келмоқда. Ўзбекистон Республикаси алоқа маъмурияти томонидан ХТИ ТСББА-12 ва ХТББА-12га бир қатор долзарб тақлифлар тайёрланган.

Халқаро электралоқа бўйича Бутунжаҳон анжумани (ХТББА-12)да ХТИ қабул қилган тўртта келишувлардан бири бўлган Халқаро электралоқа Регламенти қайта кўриб чиқилди (қолган учта ҳужжат: Устав, Конвенция ва Радиоалоқа регламенти).

Телекоммуникацияларни стандартлаштириш бўйича Бутунжаҳон ассамблеяси (ТСББА-12) — хар тўрт йилда донийи равишда ўтказиладиган тадбир бўлиб, Электралоқани стандартлаштириш Секторининг (ХТИ-Т) навбатдаги тадқиқот-даврида ишлар ҳажми ва таркибини белгилайди.

Xalqaro haqot



СЕРБИЯнинг "Б-92" телеканални хабар беришича, Сербия президенти Борис Тадич ўз хошишига кўра истеъфога чиқиши ҳақида қарор қабул қилган.

Мамлакат парламенти спикери Славица Жукич-Деянович президентлик сайловларини парламент ва маҳаллий сайловлар ўтказиладиган кун — 6 майга тайинлаган. Сийасатчилар Борис Тадич мазкур сайловларда яна ўз номзодини кўяди, деб тахмин қилишмоқда.

ЯПОНИЯда радиоактив зарраларни кўра оладиган видеокамера ихтиро қилинди. Ушбу технология радиоактив нурланиш юқори бўлган ҳудудларни осонлик билан аниқлаш имконини беради. "Балиқ кўзи" деб номланувчи махсус объектив ўрнатилган ушбу камера жуда катта майдонни тасвирга олиш хусусиятига эга.

Мутахассисларнинг фикрича, янги видеокамера фақат гамма нурларни кўра олади. Тасвир тўлиқ бўлиши учун оддий камерадан фойдаланиш зарур. Сўнгра тасвирлар бирлаштирилиб, умумлашган тўлиқ тасвир ҳосил қилинади. Ҳозир олимлар ҳам тасвир, ҳам радиоактив парчаларни бир вақтнинг ўзиде кўра олиш қобилиятига эга видеокамера яратиш устида бош қотиришапти.

НЮ-ЙОРКдаги Жаҳон савдо марказининг эгизак бинолари ўрнида янги осмон-ўпар бино қад ростламоқда. Расман ЖСМ-1 деб аталадиган янги бинонинг қурилиши 2006 йил апрелида бошланган эди. Озодлик минораси деб ҳам номланадиган 104 қаватли мазкур ишпоот фарбий ярим шардаги энг баланд бино ҳисобланади. Дунё микёсида олинка, у баландлиги бўйича учинчи ўринда.

Қурилиш ишлари 3,8 миллиард долларга баҳоланган Озодлик минорасининг баландлиги 1776 фут (541 метр) бўлиб, рамзий равишда АҚШ Мустақиллик декларацияси қабул қилинган санани ифодалайди. Ҳозиргача унинг юзта қавати қуриб битказилди, қурилиш ишларини шу йилнинг декабригача тамомлаш, очилиш маросимини 2013 йилнинг баҳориде ўтказиш режалаштирилган.

Эслатиб ўтамиз, аввалги кўшалок бинолар 2001 йилнинг 11 сентябрида амалга оширилган теракт туфайли вайрон бўлган эди.

ФРАНЦИЯнинг газ қазиб олувчи "Total" компаниясига қарашли платформада газ сизиб чиқиши аниқланган. Шимолий денгизнинг Буюк Британияга тегишли қисмида жойлашган мазкур платформада фавқуллодда ҳолат эълон қилинган. Мутахассислар қондаги газ босимини камайтириш учун яна бошқа бурғулаш кудуғи қазиб зарур эканини таъкидлашапти. Бунга эса олти ой керак бўлади.

Платформада юзага келган авария ҳолати "Total"га 150 миллиондан 2,7 миллиард АҚШ долларигача иқтисодий зарар етказиши мумкин.

МАЛАЙЗИЯ шифохоналарининг бирида юраги ва буйраги тананининг устки қисмида жойлашган қизалоқ дунёга келди. Шифокорларнинг айтишича, айни вақтда назорат остида бўлган қақалокнинг органларини тананинг ички қисмига кўчириш жараёни анча мураккаб кечади.

Маҳаллий матбуотнинг ёзишича, худди шундай ҳолат Ҳиндистонда ҳам юз берган. Ҳиндистонлик шифокорлар юраги қорнининг устки қисмида жойлашган уч ёшли болақайни муваффақиятли операция қилганлар.

Электрон почта — энг оммавий мулоқот тури

Ipsos таҳлил компанияси ўтказган тадқиқотлар электрон почтанинг хануз интернет-коммуникация оламидаги энг оммавий мулоқот воситаси сифатида мавқеини сақлаб келаётганини кўрсатди.

Тадқиқотда 24 мамлакатдан 19 мингдан ортиқ респондент қатнашди. Уларнинг 85 фоизи интернетдан электрон почта мақсадларида фойдаланишини маълум қилган, ижтимоий тармоқлар фойдаланувчилари эса 62 фоиздан ошмайди. Шунга қарамадан, кузатувлар тарозининг палласи тобора айнан ижтимоий тармоқлар фойдасига оғиб бораётганини кўрсатмоқда.

Интернетдан фойдаланиш мақсадлари мамлакатлар орасида ҳам тафовут қилади. Масалан, Венгрияда 94 фоиз респондент интернетта электрон почтасини текшириш учун киришини маълум қилган бўлса, Саудия Арабистонида бу кўрсат-



кич 36 фоизни ташкил этади.

Ижтимоий тармоқлар, форумлар ва блоглар Индонезия (83 фоиз), Аргентина (76 фоиз) ва Россия (75 фоиз)да энг оммавий интернет йўналишлар бўлса, Японияда (35 фоиз) уларга қизқиш унчалик юқори эмас.

Ҳозирги кунда энг кўп аудиторияга эга ижтимоий тармоқ бу —

Facebook, ундан фойдаланувчилар 845 млн. нафардан ошади. Хатто Facebook ҳам электрон почтанинг муҳим восита эканлигини тан олмоқда, бунинг исботи сифатида ижтимоий тармоқ томонидан 2010 йилнинг ноябр ойида электрон почта, интернет-мессенжер ва SMS-хабарлар алмашиш қурилмаси — Facebook Messages ишга туширилганини келтириш мумкин.

АТ-хабарлар



Хитой саноат ва ахборот технологиялари вазирлиги хабар беришича, мамлакатда мобил алоқа абонентлари сони 1 миллиарддан ошди. Стратегик муҳим бу кўрсаткичга жорий йилнинг феврал ойида — январдаги 20,7 млн. янги абонент ҳисобига эришилди.

Стационар телефондан фойдаланувчилар эса 284,3 млн.ни ташкил этмоқда.



Бразилия шарқидаги Витория-да-Конкиста шаҳарчасида фаройиб тажриба ўтказила бошланди: мактаб ўқувчиларининг ҳаракатланишини назорат қилувчи махсус микрочилар 20 минг нафар ўқувчининг кийимига ўрнатилди.

Ўқувчи мактаб биносига кирверишдаги қурилма ёнидан ўтганда, микрочил унинг ота-онасига SMS-хабар жўнатади. Мабодо ўқувчи 20 дақиқадан кўпроқ кечикса, куйидаги мазмундаги хабар ота-онага бориб тушади: "Фарзандингиз мактабга етиб келмади".

Шаҳар таълим департаменти раҳбари журналистларга берган интервьюсида аксарият оилалар болаларининг дарса қирмасдан юришидан беҳабар эканликларини юқоридеги чорага ундаганини таъкидлаган.



Каталония (Испания) институт олимлари қисқа нанотрубкалар тизими воситасида дунёдаги энг аниқ тарозини ишлаб чиқишди. Бу тарози 1,7 йоктограммгача аниқликда ишлайди. Тасаввур қилишингиз учун: сувнинг бир дона молекуласи тахминан 0,3 йоктограммини ташкил этади.

Сал ноқулайлиги, бу тарозилар паст ҳарорат ва вакуум ҳолатида (бошқа молекулалар таъсир қилмаслиги учун) ишлайди.



2014 йили қурилиши бошланган жаҳондаги энг йирик Square Kilometre Array (SKA) радиотелескопи учун дастурий таъминот IBM корпорациясида тайёрланади. Корпорациянинг маълум қилишича, радиотелескоп 2024 йилда ишга туширилади ва жуда катта ҳажмдаги маълумотларни бошқариш: йиғиш, таҳлил қилиш, саралаш, кераксизларини ўчириш зарурати туғилади.

Айни пайтда бошқа бир масала — радиотелескопни қайси мамлакатга ўрнатиш (Австралия ёки ЖАР) илмий ҳамжамият олдида кўндаланг турибди. Сўнгги маълумотлар воқеалар ривожига африкаликлар фойдасига ўзгараётганини тасдиқлапти.

Рақамли контент: видеодан китобгача

Сўнгги йилларда жаҳон рақамли контент бозори барқарор ўсишда давом этяпти. Рақамли контент бозорининг етакчиси, сўзсиз, бу — видео йўналиши бўлиб, онлайн-видео, рақамли телевидение ва VOD хизматларини ўз ичига олади. 2011 йили мазкур йўналишда умумий даромадларнинг 72 фоизи қўлга киритилди. Аҳамияти жиҳатидан кейинги ўринлар мобил контент (14 фоиз) ва онлайн-ўйинлар (10 фоиз)га тегишlidir. Аудио (3 фоиз) ва электрон китоблар (1 фоиз) соҳалари ҳозирча рақамли бозорда кўзга кўринарли ўринга эга эмаслар.

Мамлакатлар борасида олиб қаралганда, энг йирик рақамли контентга АҚШ эгалик қилмоқда. Орада анча фарқ билан Европа, Осиё мамлакатлари ва Россия кейинги поғоналарда жойлашган. Кенг полосали улашиш ва мобил интернетнинг шитоб билан кириб боришига монанд равишда Жануби-Шарқий Осиё мамлакатларида рақамли бозор ҳам кенгайгандан-кенгаймоқда. Фарбий Европа мамлакатларида ўсиш юқори бўлмасадан, барқарор ривожланиш давом этмоқда.



"ALSKOM" нинг танловлари

Оилада тинч ва соғлом мухитни шакллантириш, оила қадриятларини мустаҳкамлаш, ҳам жисмонан ҳам маънавий етук фарзандларни тарбиялаш, ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш бугуннинг муҳим вазифаларидан биридир. "ALSKOM" суғурта компанияси Республика "Оила" илмий-амалий маркази билан ҳамкорликда Андижон ва Жиззах вилоятларида Мустаҳкам оила йилга бағишлаб ўтказган маданий-маърифий тадбирида ана шу масалаларга эътибор қаратилди.

Жиззахда ўтказилган тадбирда "ALSKOM" суғурта компанияси томонидан эълон қилинган "Намунали оила" ва "Спортчи оила" номинациялари бўйича шаҳар ва туманлардаги оилалар ғолиблик учун беллашдилар.

"Намунали оила" номинациясида узоқ йиллар бирга яшаб қўша қариган, аҳил, ютуқларга эришган, маҳалла ишларида фаол ва қўни-қўшнилар орасида обрў-эътиборли катта оилалар иштирок этишди. Ушбу

номинация бўйича 1-ўринни Жиззах туманидаги "Зиёкор" маҳалласида истикомат қилувчи профессор Ўрол Носировлар, 2-ўринни Жиззах шаҳар "Олмазор" маҳалласида яшовчи Ўктам Бердиевлар ва 3-ўринни Фориш тумани "Учкулок" ҚФЙ Хонбанди маҳалласида яшовчи Ақтам Жонибековлар оилалари қўлга киритди.

"Спортчи оила" номинациясида 13та оилавий жамоа (ота, она ва 12 ёшгача бўлган фарзанди) спортнинг енгил атлетика тури бўйича эстафета мусобақасида ўзаро беллашдилар. Мусобақада Фориш туманидан Истам Сайфуллаевлар оиласи 1-ўринга, Жиззах туманидан Нурмухаммад Холмуродовлар оиласи 2-ўринга, Пахтакор туманидан Рустам Соатовлар оиласи 3-ўринга сазовор бўлишди.

Номинациялар бўйича ғолибларга "ALSKOM" суғурта компанияси ҳамда "Маҳалла" жамғармаси вилоят бўлимининг кимматбаҳо эсдалик совғалари топширилди.

Ушбу мавзудаги тадбир 24 март куни Андижон вилоятида Андижон

Давлат университетининг спорт мажмуасида уюштирилди. Компания томонидан эълон қилинган "Намунали оила" номинацияси бўйича 1-ўринни Андижон туманида яшовчи Курбоновлар оиласи, 2-ўринни Мархамат туманилик Ўринбоевлар оиласи эгаллаган бўлса, Избоскан туманилик Маматожиёвлар оиласи 3-ўринга сазовор бўлишди.

Компания томонидан эълон қилинган "Спортчи оила" номинацияси бўйича эса 1-ўринни Балиқчи туманидан Турғуновлар оиласи, 2-ўринни Андижон туманидан Қамбаровлар оиласи ҳамда 3-ўринни Асака туманидан Холиқовлар оиласи эгаллади. Номинациялар бўйича ғолибларга суғурта компаниясининг қимматбаҳо эсдалик совғалари топширилди.

Яқин кулларда шу каби тадбирлар компания томонидан Наманган ҳамда Тошкент вилоятларида ҳам ўтказилиши режалаштирилмоқда.

Махфуза ЖАЛИЛОВА,
"ALSKOM" СК
менежер ассистенти

Оиланинг маънавий асослари

Жорий йилнинг 26 март куни Бобур номидаги Андижон вилоят ахборот-кутубхона марказида "Оила" илмий-амалий маркази вилоят бўлими ҳамда Андижон Давлат тиббиёт институти қошидаги академик лицей ҳамкорлигида "Оиланинг маънавий асослари" мавзусида давра суҳбати ўтказилди.

Давра суҳбатини "Оила" илмий-амалий маркази вилоят бўлими раҳбари Д.Самадова очиб, ёшлар камолотида, ўсиб келаётган ёш авлод тарбиясида оиланинг тугган ўринни таърифлар экан, ҳалоллик, ростгўйлик, ор-номус, шарму ҳаё, меҳру оқибат, меҳнатсеварлик каби барча инсоний фазилатлар оилада шаклланиши, шунингдек, шарқона урф-одат, қадриятларимиз ҳақида ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди.

Тадбирда "Бирлик" МФЙ раиси М.Ҳакимов сўз олиб, ҳам жисмоний, ҳам маънавий жиҳатдан етук, ўз мустақил фикрига эга бўлган, очки қорандан ажратишга тайёр, тараққий топган давлатлардаги тенгдошлари билан беллашишга қодир бўлган баркамол авлодни тарбиялаш, уларнинг соғлиғини асраш, мустақил ҳаётга йўллашда маҳалланинг ўрни бекиёслиги ҳақида алоҳида тўхталиб ўтди.

Тадбир давомида, шунингдек, "Бирлик" МФЙ маслаҳатчиси М.Нажмиддинова, ахборот-кутубхона маркази директор ўринбосари Н.Азнабаева, илмий услубият бўлими мудири З.Шаҳобитдиновлар ҳам оиланинг мустаҳкамлиги йўлида амалга оширилиши зарур бўлган вазифалар ҳақида гапирди.

Тадбирда иштирок этган АДТИ қошидаги академик лицей ўқувчиларининг қизиқтирган саволларга мутахассислар атрофлича жавоб бердилар.

Муҳайё ҚУРБОНОВА,
Андижон вилояти
АКМ 1-тоифали кутубхоначиси

Баҳор элчиси Тошкент почтасида

"Ўзбекистон почтаси" ОАЖ Тошкент филиалида баҳор элчиси — Наврўзи олам муносиб кўтиб олинди. Филиал ҳовлисида ташкиллаштирилган байрам маросимига филиал матурияти ва почта алоқаси тармоқлари ходимлари таклиф этилди.

Тадбирда филиал директори Абдуғани Хайдаров, филиал касаба уюшмаси қўмитаси раиси Луиза Годованик ва бошқалар табрик учун сўзга чиқиб, барча ходимларга, уларнинг оилаларига аҳдлик, тинчлик-тотувлик, фаровонлик тилашди, оилалар мустаҳкамлиги пировардида корхона муваффақиятини таъминлашнинг таъкидлаб ўтишди.

Байрам дастурхонига баҳорий таомлар тортилиб, дошқозонларда сумалак ва ош тайёрланди. Почта ходимлари ижросидаги келин салом маросими, қўшиқ ва рақслар, сахна кўринишлари даврага ўзгача шукуҳ бағишланди.

Ўз мухбиримиз



ФАКТ

Агар мих билан дискетнинг бирор ерини тирнасангиз, унинг фақат ўша тирналган жойини ўқий оласиз.



Миннатдорлик ҳисси


Мамлакатимизда Кадрлар тайёрлаш миллий дастури, "Таълим тўғрисида"ги қонуннинг қабул қилиниши, шунингдек, Президентимиз томонидан 2009 йилга Ёшлар йили, 2010 йилга эса Баркамол авлод йили номларининг берилишида ёшларга бўлган эътиборнинг нақадар кучли эканлиги ўз ифодасини топган.

Юртимизда ёшларнинг билим олишлари учун яратилаётган шарт-шароитлар ҳақида ТАТУ Фарғона филиали талабаси Хусанбой Пулатов куйидагиларни изҳор этди:

— Бугунги кунда мамлакатимизда ёшларнинг юқори даражада илм олишлари ва мамлакат келажаги учун зарур кадр бўлиб етишишлари учун барча шарт-шароитлар яратилган. Республикаимиздаги мактаблар, коллежлар, лицейлар ва олий ўқув юртлари ёшларнинг юқори даражада билим олиши учун компютер, техникавий воситалар, электрон дарсликлар билан таъминланган. Бунинг натижасида чекка кишлоқ-

лардаги мактабларда ҳам интернетдан фойдаланиш имконияти шаклланди.

— Мамлакатимизда ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш мақсадида "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати, "Фонд форум", "Меҳр нури" каби нодавлат ташкилотларининг ташкил қилиниши ёшларга бўлган эътиборнинг кучайганидан далолат беради, — дейди ТАТУ Фарғона филиалининг яна бир талабаси Ҳаётбек Эралиев биз билан суҳбатда. — Хусусан, бу ташкилотлар томонидан "Келажақ овози", "Таълим гранти", "Камолот" стипендияси ва бошқа лойиҳаларнинг ўтказилиши иқтидорли ёшлар учун қўшимча имкониятлар яратаётган бўлса, ҳукуматимиз томонидан олий ўқув юртлари талабалари учун давлат стипендияларининг жорий этилганлиги энг иқтидорли талабаларни аниқлаш билан бир қаторда, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватламоқда. Ана шу далилларнинг ўзи мамлакатимизда бизларга берилган эътиборнинг юқори даражада эканлигини кўрсатиб турибди. Бундай



эътибор ва ғамхўрликлар туфайли юртимиз ёшлари замонавий илм-фан асосларини пухта ўзлаштиришда ижобий натижаларга эришмоқда. Бу ғамхўрликлар биз ёшларни янада иштиёқ билан илм олишга ундамоқда.

Муҳаммадҷон МАҲМУДОВ

Встреча с президентом ассоциации NASSCOM

2 апреля 2012 года в Узбекском агентстве связи и информатизации состоялась встреча с президентом Национальной ассоциации компаний в сфере программного обеспечения и услуг NASSCOM (Индия) С.Миттал.

Ассоциация NASSCOM, созданная в 1988 году, объединяет более 1200 ведущих ИТ-компаний, из которых более 250 глобальных компаний, осуществляющих свою деятельность на международном уровне. Ассоциация охватывает 95% дохода отрасли информационных технологий Индии.

На встрече были обсуждены вопросы расширения сотрудничества между компаниями двух стран в области информационных технологий и программного обеспечения путем налаживания тесного сотрудничества между ИТ-Ассоциацией Узбекистана и Ассоциацией NASSCOM посредством подписания Соглашения о сотрудничестве. Состоялся обмен мнениями по сотрудничеству



Ассоциация NASSCOM, созданная в 1988 году, объединяет более 1200 ведущих ИТ-компаний, из которых более 250 глобальных компаний, осуществляющих свою деятельность на международном уровне. Ассоциация охватывает 95% дохода отрасли информационных технологий Индии.

в повышении квалификации в Индии узбекских специалистов в области разработки программных продуктов.

Делегация NASSCOM была приглашена принять участие в Национальной выставке-форуме программных продуктов Best Soft Uzbekistan 2012. В ходе встречи было также предложено рассмотреть вопрос о проведении Узбекско-Индийского бизнес-форума в области информационных технологий, который состоится в мае месяце в Ташкенте.

Acii.uz

Заседание межведомственного совета

В Кабинете Министров Республики Узбекистан состоялось заседание межведомственного совета по координации деятельности республиканской информационно-библиотечной системы. На нем был рассмотрен вопрос обеспечения исполнения задач, намеченных в постановлении Президента Республики Узбекистан от 20 марта 2012 года "О мерах по совершенствованию деятельности Национальной библиотеки Узбекистана имени Алишера Навои — информационного ресурсного центра".

На заседании были рассмотрены вопросы совершенствования информационно-библиотечных процессов, параллельного и дистанционного использования ресурсов за счет оцифровки информации и внесения их в электронную базу данных Национальной библиотеки, повышения оперативности и качества услуг территориальным информационно-библиотечным учреждениям.

Были определены меры по

расширению перечня оказываемых информационно-библиотечных услуг, связанных с подготовкой, внесением и предоставлением различных видов информации внутреннего фонда Национальной библиотеки, а также доступа к внешним фондам информационных ресурсов.

Подчеркнута необходимость обратить особое внимание на удовлетворение и стимулирование информационных потребностей пользователей, в том числе молодежи, путем оказания методической помощи при отборе необходимых материалов из различных источников по интересующимся отраслям знаний и сферам экономики, при этом уделять основное внимание широкому и эффективному использованию информационно-коммуникационных технологий.

Были даны конкретные задания и определены сроки по своевременному и качественному их выполнению, утвержден план-график обеспечения исполнения Программы по организации деятельности Национальной библиотеки Узбекистана имени Али-

шера Навои — информационно-ресурсного центра.

Обсуждены вопросы по совершенствованию системы оплаты труда и стимулирования работников с учетом объема и качества услуг, предоставляемых на основе информационно-коммуникационных технологий, знания и использования иностранных языков, в том числе пересмотра и внесения новых должностей в классификатор системы информационно-библиотечной деятельности.

Также были намечены меры по организации деятельности Республиканского методического совета и координации деятельности информационно-библиотечных учреждений, даны поручения по разработке рабочего плана и регламента работы.

На заседании были намечены меры по полной реализации задач, выдвинутых Президентом Республики Узбекистан по дальнейшему развитию информационно-библиотечных и информационно-ресурсных услуг, приняты соответствующие решения.

УзА

"БИЛАЙН" ЗАПУСТИЛ УСЛУГУ "АВТОПЛАТЕЖ"

Единый оператор связи "Билайн" (ООО Unitel и СП Buzton) запускает новую услугу "Автоплатеж". Теперь абоненты могут не беспокоиться, что в самый неподходящий момент на счету закончатся деньги. "Билайн" будет автоматически пополнять баланс каждый раз, когда на нем останется менее \$1.

"Мы доверяем своим абонентам и делаем все возможное для того, чтобы они всегда оставались на связи, — отмечает старший менеджер по связям с общественностью Unitel Ораз Абдуразаков. — При этом достаточно один раз бесплатно подключить "Автоплатеж", чтобы услуга действовала беспрерывно".

Сумма "Автоплатежа" предоставляется на 3 дня и составляет \$4 (8000 сум для тарифов в национальной валюте). Стоимость услуги составляет \$0,10 за каждый полученный автоплатеж (200 сум для сумовых тарифов). Код подключения услуги *141*11#

АКЦИЯ "КОРПОРАТИВНАЯ ВЕСНА" ДЛЯ КОРПОРАТИВНЫХ КЛИЕНТОВ "МТС-УЗБЕКИСТАН"

По условиям данной акции, все абоненты, подключающиеся на тарифные планы "Корпорация Базовый", "Корпорация Профи" и "Корпорация VIP", в период с 1 апреля по 31 мая (включительно) 2012 года, получают в подарок бесплатный INTERNET пакет, в зависимости от выбранного тарифного плана.

Тарифный план	Предоставленный бонусный Интернет трафик
"Корпорация базовый"	200 Мб
"Корпорация Профи"	400 Мб
"Корпорация VIP"	600 Мб

"Акция "Корпоративная Весна" предоставит нашим новым корпоративным клиентам хорошую возможность в полной мере познакомиться не только с высоким качеством связи и обслуживания МТС, но и опробовать высокоскоростной мобильный интернет совершенно бесплатно. Мы надеемся, что наша инициатива позволит будущим абонентам оценить все преимущества сотовой связи от МТС и подтвердит правильность выбора сотового оператора", — отметил заместитель генерального директора по коммерции "МТС-Узбекистан" Н.Шадманов.

● Объявление

Турфирма "INTUR-OSIYO"

- ✦ Малайзия, Таиланд, Вьетнам, о. Бали, Китай, Чехия;
- ✦ Страны СНГ, МОСКВА, САНКТ-ПЕТЕРБУРГ, КИЕВ и др.;
- ✦ Турция, Египет, ОАЭ, Индия (Гоа), Мальдивы;
- ✦ ОТДЫХ В ГОРАХ (корпоративно и индивидуально);
- ✦ Экскурсии по Ташкенту (индивидуально и в группе);
- ✦ Поездки в Самарканд, Бухару, Хиву;
- ✦ Бронирование авиабилетов и отелей по всему миру.

Ташкент, ул. Буюк Ипак йули, 115,
тел.: / факс (99871) 268-14-83, тел.: 268-74-99,
268-72-23, (+99893) 387-79-49.

Услуги лицензированы Т-ВС-1948.

ВНИМАНИЮ ЖИТЕЛЕЙ ГОРОДА ТАШКЕНТА И ГОСТЕЙ СТОЛИЦЫ!

В целях приведения к соответствию Международным стандартам телефонных номеров экстренных и справочных служб с 5 апреля 2012 года по г.Ташкенту изменены следующие номера:

- "01" (пожарная служба) - "101",
- "02" (милиция) - "102",
- "03" (скорая помощь) - "103",
- "04" (служба газа) - "104",
- "050" (служба спасения) - "1050",
- "0xx" (другие услуги) - "10xx".

Для обеспечения плавного перехода на новые номера старые номера продолжает действовать в течение двух месяцев. За справками обращаться по телефону 200-31-31.

Хабарлар + TV

DUKUSKOSTON

- 5:55 Қўрағуллар дастури.
- 6:00 "Ассалом, Ўзбекистон!"
- 7:00 "Одам на одам" дастури: "Замин гаройиблари".
- 7:15 "Исиқ".
- 7:30 "Қўнғи қўнғи истайд".
- 7:40 "Ҳа комедия". Т/с.
- 8:00 "Давилнома".
- 8:40 "Ҳаити ингла". Ток-шоу.
- 8:50 "Ҳаити дунё".
- 9:45 "Моҳир қўллар".
- 10:00 "Минг бир ривон".
- 10:05 "Хулосат сари".
- 10:25 "Тарих қўзғалар".
- 10:45 "Саломатлик сирлари".
- 11:00 "Аббор".
- 11:10 "Саловин изақлар". Т/с.
- 12:00 "Ассалом, Ўзбекистон!"
- 12:50 "Қўнғи қўнғи истайд".
- 13:00 "Ҳаити ингла".
- 13:40 "Мен шиканга".
- 14:00 "Аббор".
- 14:15 "Шум ақдам".
- 14:40 "Бўёқ ақдоқларини".
- 15:05 "Исиқ".
- 15:10 "Жаҳон муасирин хазинасини".
- Ж. Верде. "Дон Карлос". 1-қисм.
- 16:10 "Эртаслар - ақдоқларни етказлар".
- 16:40 "Ўзбекистон табиати".
- 17:00 "Аббор".
- 17:10 "Қирол Сежон". Т/с.
- 17:50 "Қўн мақули".
- 18:00 "Қўнғи қўнғи истайд".
- 18:10 "Исиқ на қирон".
- 18:30 "Ҳаити ингла".
- 18:45 "Доктор Аю". Т/с.
- 19:20 "ТВ - шифобор".
- 19:25, 20:00, 20:55 Эълонлар.
- 19:30 "Аббор". /рус/.
- 20:05 "Ўзгин мерос".
- 20:15 Милли сериал: "Туташ тақдирлар".
- 21:00 "Аббор".
- 21:40 "Истиқдол солонқим".
- 21:55 Қабилга қўнғи кут". Т/с.
- 22:40 "Исиқ".
- 22:45 "Саловин изақлар". Т/с.
- 23:15 "Одам на одам" дастури: "Замин гаройиблари".
- 23:50 "23:55 "Ўғун".
- 24:55 Қўрағуллар дастури.
- 06:00 "Бўёқ ақдоқларини".
- 06:25 "Исиқ".
- 06:50 "Қўнғи қўнғи истайд".
- 1:00 "Аббор". /рус/.
- 1:30 "23:55 "Маманга" дастури.
- 2:30 "Исиқ".
- 2:35 "Исиқ на қирон".
- 2:55 "Ўзгин мерос".
- 3:10 "Ассалом, Ўзбекистон!"
- 4:00 "Аббор".
- 4:40 Милли сериал: "Туташ тақдирлар".
- 5:15 "Саломатлик сирлари".
- 5:50 "Ўзбекистон табиати".
- 5:55 "Ўғун".



- 6:00 "Ҳаити мерос".
- 6:10 "Ўғунлиқма оқанлар".
- 6:50 "Тасвир ва таассурот".
- 7:10 "Мультипликация".
- 8:00 Милли сериал: "Ҳорраҳадаги уй".
- 8:40 "Ешлиқ наволари".
- 9:10 "Қўна ва бойи".
- 9:30 "Ўзбекистон муҳаббатлари".
- 10:00 "Длар фафта ичид".
- 10:30 Милли сериал: "Ҳидойилар".
- 11:10 "Спортивни ақдоқлар".
- 11:20 "Теоруон ақдоқ".
- 11:30 "Терра-Нова". Т/с.
- 11:40 "Длар".
- 11:50 "Ешлиқ наволари".
- 12:30 "Қўнғи қўнғи". Т/с.
- 14:20 "Қўнғи қўнғи". Т/с.
- 14:50 "Табиат би нақар".
- 15:10 "Мультипликация".
- 16:00 "Длар".
- 16:10 "Қамитон Кросс". Т/с.
- 17:10 "Селари қўллар".
- 17:20 "Теоруон ақдоқ".
- 17:30 "Нихригда девонларим". Б/ф, 1-қисм.
- 18:40 "ЦДХФ".
- 19:00 "Длар".
- 19:30 "Қетма". Т/с. Премьера.
- 20:30 "Нухта навар".
- 20:50 "Меросур қиз". Т/с.
- 21:40 "Ешлиқ наволари".

ДУШАНБА — 9 АПРЕЛ

- 22:00 "Длар".
- 22:30 "Қўнғи қўнғи". Т/с.
- 23:30 "Муҳаббатин дунё".
- 06:00 "Ҳаити мерос".
- 6:10 "Ешлиқ наволари".
- 6:30 "Ағда". Б/ф.
- 6:40 "Длар".
- 7:00 "Қўнғи қўнғи". Т/с.
- 7:30 "Милли сериал: "Ҳорраҳадаги уй".
- 8:00 "ЦДХФ шақри".
- 8:30-6:00 "13-студия".

DUKUSKOSTON

- 6:00 Қўрағуллар партияси.
- 6:05 "Қўнғи қўнғи". Б/ф.
- 7:30 "Салом, Тошкент!".
- 8:30 Тошкент тароналари.
- 8:45 "Менинг молдам".
- 9:05 9:40 10:40 14:55 23:45 2:55 "Анонс".
- 9:10 "Интервак".
- 9:20 "Интеллектуал ақдоқин".
- 9:30 "Ҳаити ингла".
- 9:45 "Ҳаити ингла".
- 10:15 "Қамар оркестрининг концерти".
- 10:30 "Ҳаити ингла". /рус/.
- 10:45 "Телеақдам".
- 11:00 Милли сериал: "Ўзи ақдоқин кун". Б/ф.
- 11:00 "Салом, Тошкент!".
- 14:00 "Дунё теледустури".
- 14:00 "Ҳаити ингла".
- 15:05 "Исиқ тақдир". Т/с. 167-қисм.
- 15:35 "Ҳаити ингла".
- 15:50 "Эко-пойнт".
- 16:00 Тошкент тароналари.
- 16:15 "Тағич нухта".
Хизмат кўрсатиш соҳаси муҳимлигини шундан ҳам англаш мумкинки, сўнгги йилларда уни ривожлантириш ва такомиллаштиришга қаратилган қатор фармон ва қарорлар чиқарилди, вилоятларда эса унинг ижросини таъминлаш юзасидан ривожланиш дастурлари ва бир қатор қарорлар қабул қилинди. Мазкур қарорлар ва улар юзасидан қабул қилинган меъёрий ҳужжатлар асосида хизмат кўрсатиш, сервис ва туризм соҳасини ривожлантиришнинг мамлакатимиз ҳудудлари бўйича аниқ дастурлари ишлаб чиқилди.

Дунё бозори тизимида хизматлар бозорининг мавжудлиги мамлакатимизда ушбу соҳа мавқеи, унинг кишилар турмуш даражаси яхшилланишидаги ўрни ошиб боришини таъминлайди. Бу эса ушбу соҳани ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатдан атрофича ўрганишни тақозо этади.

"Ахборот сервис" фанининг мақсади талабаларга сервис ва хизмат кўрсатиш соҳасидаги пайдо бўлаётган муаммоларни тушунтириб бериш, технологик жараёнларнинг сервис фаолияти соҳасидаги ролини, уларнинг тур-

нида электрон почта, интернет ва матбуот орқали олинган янги маълумот ва муаммолар ўрганилиб, таҳлил қилиниб, хулоса чиқарилади.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, хизмат кўрсатиш соҳаси субъектларининг шаклланиши ва тараққиёт этишида ҳамда уларнинг юқори самарадорлик билан ишлашини таъминлашда айрим муаммоларга ҳам дуч келинмоқда. Ушбу муаммоларни бартараф қилиш, унинг нафақат амалий, балки бир қатор назарий масалаларини ҳам ҳал этиш лозимлиги мазкур соҳа самарадорлигини ошириш, мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий тараққиёти барқарор ривожланишига қаратилган тадқиқот ишлари олиб борилишини тақозо қилади. Буларнинг барчаси мазкур тадқиқот мавзусининг долзарблигини белгилайди. Сервис ва хизмат кўрсатиш соҳасини ҳар жиҳатдан ривожлантириш, мамлакатимизда эркин фуқаролик жамияти ва фаровон ҳаёт барпо этишининг муҳим омилларидан биридир.

Нурулло МАМАДАЛИЕВ,
ТАТУ Фаргона филиали
"Касбий таълим" кафедраси
катта ўқитувчиси,
Исоқжон ДЕХҚОНОВ,
3-босқич талабаси

Зиёкорлар оиласи

Кутубхоналар бунёд этилганидан бери одамларга зиё, илм, тафаккур тарқатиш манбаи бўлиб хизмат қилиб келяпти. У ерда меҳнат қилувчиларни эса халқимиз эъзозлаб зиёкорлар деб атайдилар.

Қуйичирчиқ туманида қўпчилиги ана шундай зиё масканларида ишлайдиган бир оила бор. Ҳамқишлоқлари оила бекаси, аввал мактабда ўқитувчилик, сўнг кутубхоначилик қилган Зоҳида опа Абдуманнопова номини иззат-иқром билан тилга олишди. Сабаби Зоҳида опанинг уч нафар фарзанди — Феруза, Фарида ҳамда Мархаболар кутубхоначилик касбини танлаб, шу камтарона касби орқали эл орасида обрў-эътибор қозониб келмоқдалар. Биз уларнинг бири — Фарида Исматова ҳақида хикоя қиламиз.

Фарида зиёли оилда тарбия топгани боис болалигидан китобга меҳр қўйди. Қишлоғидаги 31-мактабни битиргач, Тошкентдаги маданий-оқартув техникумининг кутубхоначилик факултетига ўқишга кирди.

— 1989 йилда техникумини тамомлаб,

Оққўрғон маркалашган кутубхоналар тармоғига қарашли Алишер Навоий номидаги марказий кутубхонага ишга кирдим, — дейди Фарида. — Дастлаб болалар кутубхонасида кутубхоначиликдан иш бошлаган бўлсам, кейинчалик марказий кутубхона мудири вазифасида ишладим. Ишлай туриб, оила қурдим. Ҳозир қизларим Дилнора ҳамда Диёралар ёнимга кириб қолишган. Энг муҳими эса Тошкент Давлат маданият институтида ўқиб, олий маълумот эгаси бўлдим.

Ҳа, бир соҳада, бунинг устига бир ташкилотда 20 йилдан ортиқ фаолият юритиш осон эмас. Бунинг учун инсондаги биргина ҳаракатчанликнинг ўзи камлик қилади, кўпроқ эса касбига бўлган садоқат рол ўйнайди.

— Бугунги кунда ахборот-ресурс марказимиз Тошкент вилояти педагоги-



Фарида ИСМАТОВА коллеж ўқувчилари орасида

ка институти АРМнинг филиали ҳисобланади, — дейди 1-тоифали кутубхоначи Фарида Исматова. — Кутубхонамиз фонди 39170та китобдан иборат. Ўтган йиллар мобайнида 1769 нафар китобхон кутубхонамизга аъзо бўлишди. Китобхонлар қатнови 4623 мартани, китоб берилиш эса 40062тани ташкил этмоқда. Чечка қишлоқлар аҳолисини китоб билан таъминлашда Дилноза Абдувалиева хизмат кўрсатаётган қўчма кутубхонасининг аҳамияти катта бўляпти.

Ҳа, АРМда йилнинг муҳим санала-

рига бағишланиб турли мавзули ва адабий кечалар, таниқли инсонлар билан учрашувлар, суҳбатлар ўтказиш, китоб кўргазмалари, кутубхона плакатлари, баннерлар чиқариш анъанага айланган. Агар ўтган йил давомида 48 марта турли тadbirkorлар ўтказилган бўлса, бу йил ҳам бир неча бор адабий-бадиий кечалар уюштирилди. Бу эса китобхонлар сонининг янада ортишига хизмат қилапти.

Муборак МИРКАМОЛОВА

Глобаллашув жараёни ва ахборот хавфсизлиги

Бугун биз инсоният ҳозирга қадар бошидан кечирган даврлардан тубдан фарқ қиладиган ўта шиддатли ва мураккаб бир замонда яшаймиз. Давлат ва сиёсат арбоблари, файласуфлар ва жамиятшунос олимлар, шарҳловчи ва журналистлар бу даврни турлича таърифлаб, ҳар хил номлар билан атамоқдалар. Кимдир уни юксак технологиялар замони деса, кимдир тафаккур асри, яна бирови яли ахборотлашув даври сифатида изохламоқда.

Албатта, бу фикрларнинг барчасида ҳам маълум маънода ҳақиқат бор. Чунки уларнинг ҳар бири ўзида бугунги серкирра ва ранг-баранг ҳаётнинг қайсидир белги, аломатини акс эттириши табиий. Аммо кўпчиликнинг онгида бу давр глобаллашув даври тарикасида таассурот уйғотмоқда.


Жаҳондаги ҳозирги тараққиёт жараёнларининг энг таниқли тадиқотчилари асарларида берилган таърифларни умумлаштириб айтиш мумкинки, глобаллашув кишилик жамиятидаги аҳамиятга молик, ахборот, иқтисодий, геосиёсий масалаларни бир тизимга бирлаштирувчи жараёндир.

Президентимиз И.Каримов "Глобаллашув жараёни ҳаётимизга тобора тез ва чуқур кириб келаётганининг асосий омили ва сабаби ҳусусида гапирганда шунини объектив тан олиш керак, бугунги кунда ҳар қайси давлатнинг тараққиёт ва равнақи нафақат яқин ва узоқ кўшнилари, балки жаҳон миқёсида бошқа минтақа ва ҳудудлар билан шундай чамбарчас боғлиқ бораптики, бирор мамлакатнинг бу жараёндан четда туриши ижобий натижаларга олиб келмаслигини тушуниш, англаш қийин эмас. Шу маънода глобаллашув бу аввало суръатларнинг бекиёс даражада тезлашуви демакдир", деб кўрсатади.

XXI асрда маънавий омилларнинг инсоният тақдирини ўрни ва аҳамияти тобора ортиб бораётганлигини англамаслик мумкин эмас. Жаҳонда кучли глобаллашув ва интеграция жараёнларининг жадаллашуви натижасида шахс ва унинг маънавий-ахлоқий камолоти масаласи, инсон ҳамда жамият муносабатлари муаммолари жуда кескин тарзда кун тартибига қўйилмоқда.

Бугунги кунда дунё бўйлаб ўз манфаатларини кенг ёйишнинг энг мақбул усули — ахборот хуружлари бўлса, энг самарали восита — ахборот тизимлари ва воситалари ҳисобланади.

Мамлакатимизда ўтган йиллар давомида, айниқса, охириги 10 йилда оммавий



ахборот воситаларини янада либераллаштириш, сўзэрқивлигини таъминлашга қаратилган кенг қамровли ташкилий-ҳуқуқий чора-тадбирлар амалга оширилди.

Аввало, оммавий ахборот воситалари ривожини таъминлайдиган, демократик талаб ва стандартларга тўла мос келадиган мустахкам қонунчилик базаси яратилди. Ушбу даврда оммавий ахборот воситаларини эркин ва жадал ривожлантиришга, ахборот соҳасининг самарали фаолият кўрсатишини таъминлашга қаратилган ўнга яқин қонун ҳужжатлари қабул қилинди.

Бугунги кунда аксарият ривожланган

давлатларнинг мафқураси умуминсоний қадриятлар ва демократик тамойилларга асосланади. Уларда тинчлик ва тараққиёт, инсон ҳақ-ҳуқуқлари ва эркинлиги, миллий ва диний тотувлик ғоялари устувордир.

Бутамойилларга асосланган эзгу ғоялар умуминсоний манфаатлар орзуси бўлган ёруғ келажак учун хизмат қилади.

Шу билан бирга, минг афсуски, ҳозирги вақтда дунёнинг мафқуравий манзарасида ўз доирасини кенгайтиришга интилаётган тажовузкор миллатчилик, шовинизм, неофашизм, ирқчилик, диний экстремизм каби сиёсий кучлар ва оқимлар ҳам бор. Бундай ғайринсоний ғоялар халқлар бошига сўнгсиз қулфатлар келтириб, инсониятнинг тинчлиги, осойишталигини бузиб, одамлар онгига балолар ёдирмоқда.

Инсоният XX аср охирига келиб бир қатор чегара билмайдиган муаммоларга дуч келди. Уруш ва тинчлик, экологик фалокатлар, маънавий қашшоқлик, нарқобизнес, терроризм, "оммавий маданият", ахборот хуружлари каби муаммолар ана шулар жумласидандир.

Шу билан бирга, дунёда глобаллашув, ахборот оқимининг тезлашуви ва интенсивлашуви, универсал технологиялар билан боғлиқ умумбашарий жараёнлар ҳам бормоқда.

Президентимизнинг "Юксак маънавият — энгилмас куч" асарига ҳақли равишда қайд этилганидек: "...ёшларимизнинг маънавий оламида бўшлик вужудга келмаслиги учун уларнинг калби ва

онгида соғлом ҳаёт тарзи, миллий ва умумилмий қадриятларга ҳурмат-эҳтиром туйғусини болалик пайтидан бошлаб шакллантиришимиз зарур".

Шунини унутмаслик керакки, бугунги кунда инсон маънавиятига қарши йўналтирилган, бир қарашда арзимас бўлиб туюладиган кичкина хабар ҳам ахборот оламидаги глобаллашув шиддатидан куч олиб, кўзга кўринмайдиган, лекин зарарини ҳеч нарса билан қоплаб бўлмайдиган улкан зиён етказиши мумкин.

Бугунги кунда интернет "чангалзорлари" бўйлаб "саҳнат" қиладиган бўлсангиз, зарарли ахборотларга ҳам дуч келасиз. Айниқса, ҳаётини тажрибага эга бўлмаган ёшлар бу ахборотни реал ҳақиқат сифатида қабул қилиши, ёлгон ва уйдирма гапларга алданиб қолиши мумкин. Шу тарика уларнинг ҳаёти арзиманган бир ахборот туйғули бутунлай номаълум томонга бурилиб кетиши ҳам мумкин.

Шунинг учун ҳам бугунги кунда ёшларнинг калби ва онгида ахборот иммунитетини шакллантириш муҳим аҳамият касб этади. Бундай иммунитетни шакллантиришда оила, маҳалла ва мактаб институтларининг аҳамияти бекиёсдир. Бошқача айтганда, ёш авлод вакиллари болаликдан бошлабқим нима фойдали-ю нима зарарли, ёлгон нима-ю ҳақиқат нима эканини яхши англаб олиши лозим.

Ҳозирги пайтда ёшларнинг калби ва онгини эгаллашга қаратилган жиддий ҳаётлардан бири "оммавий маданият" номи билан индустриал асосда ишлаб чиқилаётган "санъат" намуналаридир. Аслида ҳақиқий санъат асаридан мутлақо йироқ бўлган, ғаразли мақсадларни кўзлайдиган айрим гуруҳларнинг бойишига хизмат қиладиган, миллий қадриятларимизга мутлақо зид бўлган бундай махсулотлар инсонни ҳаётдан йироқлаштиради, руҳан қашшоқ ва муте жонзотта айлантириб қўяди. Бундай асарларда беҳаёлик, зуравонлик, ур-йиқит, фирдигарлик, гиёҳвандлик, майхўрлик каби иллатлар зимдан тарғиб қилинади. Ҳаётнинг мазмунини шундан иборат, деган зарарли ғоя томчи-томчи тарзида ёшларнинг калби ва онгига зимдан сингдирилади. Бошқача айтганда, "оммавий маданият" ёшлар ҳаётини бутунлай заҳарлайди ва уларни ўз тарихи ва миллий қадриятлари, ҳатто ота-онасини танимайдиган манкуртта айлантириб қўяди.

Шу боис ҳам ёшлар тарбиясига эътиборимизни янада кучайтиришимиз, ҳамиша огоҳ ва ҳушёр бўлишимиз керак.

Отабек УМАРОВ,
Тошкент Давлат маданият
институтини 2-босқич магистранти

Ёш авлод вакиллари болаликдан бошлабқим нима фойдали-ю нима зарарли, ёлгон нима-ю ҳақиқат нима эканини яхши англаб олиши лозим.

Фахрийлар қаторига



"ЎзИ-Қарши" филиалида соҳада узоқ йиллар самарали меҳнат қилган фахрийларни нафақага кузатиш тадбири бўлиб ўтди.

Тадбирни филиал директори Холмирза Қурбонов очиб, филиалнинг ЛАЗ бўлими муҳандиси Александр Панченко ва хайловчи Қудрат Умаровларни муборак 60 ёши, кросс-электромеханиги Раъно Шароповани қутлуғ 55 ёши билан табриклаб, уларнинг соҳани ривожлантиришдаги ҳиссаси, бой меҳнат тажрибаси, устозлар аъёнасини давом эттириб, ўнлаб шогирдлар етиштиришдаги ўрни тўғрисида тўхталиб ўтди.

— Меҳнат фаолиятининг асосий қисми мен учун кадрдон бўлиб қолган корхонада ўтди, — дейди Раъно Шаропова. — Корхонанинг номи ўзгарди, станциялар замонавийлаштирилди, бироқ мавқеи ўзгармади. Бу ерда муносиб сафдошлар орттирдим, кўплаб қувончли кунларнинг гувоҳи бўлдим, муносиб устозлар кўрдим. Шогирдлар етиштирдим.

Филиал маъмурияти ҳамда цех касаба уюшмаси қўмитаси фахрийларга қимматбаҳо эсдалик совғаларини топшириб, кексалик гаштини фароғатда ўтказишлари, доимо эҳтиромда бўлиб юришларини тилади.

Афтондил ИСМОИЛОВ

Табриклаймиз!

Чуст тумани телекоммуникациялар боғламаси жамоаси боғлама муҳандиси Алишер КАРИМОВни муборак 60 ёши билан табриклайди. Унга мустахкам соғлиқ, узоқ умр, хонадонига файзу барака тилайди.

Аёл ҳақида фикр билдирмаган фойласуф, куй басталамаган бастакор, қўшиқ айтмаган хофиз, асар ёзмаган қаламкаш, суратини чизмаган рассоом бўлмаса керак. Ҳақиқатан ҳам аёл хусни, фазилати, васфини кўп ва хўб таърифлаш мумкин. Хусрав Деҳлавийнинг куйидаги сатрларини такрорлашни яхши кўраман.

*Мен асир мубтало, нотавон сенсиз,
Нечук тирикман мен ҳамон сенсиз,
Менсиз қайдасан деб сўрайсан ҳам,
Ўзим ҳам билмайман, мен қайн сенсиз?*

Дарҳақиқат, биз аёлсиз қаердамыз, борлиқимизи ё йўқлик? Ҳеч бир эркак ҳаётини аёлсиз тасаввур қила олмайди. Аёлларсиз бирон кунимизда, ҳаракатимизда маъно, мазмун тополмаймиз назаримда. Буюклик чўққисини забт этган зотларнинг ҳаётини ўрганиб, буларнинг бариси аёл туфайли эканлигига амин бўласан киши. Аёл шу қадар ажиб хилқатки, унинг рад жавоби ҳам баъзида кишини юксакликка бошлайди. Аёл сабаб бўлган урушлар, қўлга киритилган муваффақиятлар, содир этилган қаҳрамонлик ёки жинойтларнинг сон-саногини йўқ.

Ҳа, барчамиз аёлга интиламиз. Тарих китобларини varaқлаб, не-не буюк зотлар, дунёни зир титратган даҳолар ҳам аёл қаршисидан бош эканлигини кўрамыз.

Соҳибқирон Амир Темур "Аёлларга имкон қадар илқ муомалада бўлишга ҳаракат қилдим", деб ёзган "Темур тузуқларида". Буни ул зотнинг Бибиҳонимини нечоғлик ардоқлагани, келинларига қилган муносабати ва бошқа кўплаб мисоллар ҳам исботлайди.

Хазрат Алишер Навоий эса: *Онлар оёғи остидадир
Равза жаннату жинон боғи,
Равза боғи васолини истар эсанг,
Бўл онанинг оёғин тупроғи,* — дея улуғлайди аёлларни.

Фарзанди учун ўз бахтидан, ҳузур-халоватидан, керак бўлса жонидан кечишга тайёр бўлган оналаримиз пойғига жаннатлар тўшалса камлик қилади.

Ривоятларнинг бирини айтилишича, пайғамбаримиз Муҳаммад саллаллоҳу алайҳи васаллам жаннатни кезиб юриб, қорий йигитнинг овозини эшитиб қолиб-

ди. "Бу йигит қуръонни жуда чиройли тиловат қиларди, шунинг учун жаннатга тушган бўлса керак", деган фикр ўтибди пайғамбаримизнинг хаёлидан. Шунда Тангридан ваҳий келибдики, "Йўқ, мен уни қорилиги учун эмас, бир умр онасини эъзозлаб яшагани учун жаннатга раво кўрдим".

Дарҳақиқат, дунёда онани улуғлашдан, эъзозлашдан, унга хурмат-эҳтиром кўрса-

рини деб керак бўлса орзуларидан воз кечган, бутун ҳаётини уларнинг камол топишига сарфлаган аёллардир. Аслида-ку, севиқли ёр, ажойиб жуфт саналмиш аёлларимизнинг барчаси хурматга сазовор. Бирок, раҳбарларнинг турмуш ўртокларига бошқалардан кўра анчайин мушқулроқлигини тан олмай иложимиз йўқ. Бундай аёлларимиз ўз эрларини оила, рўзгор ташвишларидан бутунлай ҳолос

Нодираҳон ўз хоҳиши билан лавозимидан воз кечди. Олдингидай оддий ташкилотда ҳисобчи бўлиб ишлашга қарор қилди.

Аброр Собирович барча масалаларда турмуш ўртоғи билан маслаҳатлашарди. Ўз касбининг билимдонини бўлган дунёқараши кенг аёл унга ҳар доим далла бўларди. Иш жараёнидаги кўнгилсизликларни ҳам Аброр Собирович Нодираҳон кўмағида енгиб ўта оларди. Баъзида, "Бўлди, ишни топшираман, менга мансаб ҳам, мартаба ҳам керак эмас" деган пайтлари ҳам бўларди. Шунда Нодираҳон "Дадаси, вазминроқ бўлинг, дўсту душман кузатиб турибди, ҳал бўлмайдиган муаммо бор эканми" дея овуларди. Фарзандларига эса "Сиз кимнинг боласи эканлигингизни унутманг, салгина ёмон ҳаракатингиз ҳам отангизнинг обрўйига путур етказиши мумкин, одобли, ҳалол, меҳнатқаш, камтар бўлинг", деб кўп уқтирарди.

Улар биргаликда эллик йил турмуш курдилар. Аброр Собирович салкам ўттиз йил раҳбар лавозимларида хизмат қилиб, обрў-этиборда нафақага чиқди. У киши ҳар доим "Бизни одам қилган Нодираҳон опангиз бўлади, у киши бўлмаганида мен ҳеч нарсага эришолмасдим", деб таъкидлашни яхши кўради. Уларнинг ҳаётини кузатиб туриб, "Эрни эр қиладиган ҳам, қаро ер қиладиган ҳам хотин", деган мақол бежиз айтилмаганлигига амин бўласан киши.

Бундай воқеалардан ўнлаб айтиб беришим мумкинлиги мени қувонтиради. Таъбиркорлик билан рўзгор тебратаетган, ўз хунарини эл раванкига бахш этаётган, фарзандларимизга меҳр билан билим бераётган, жонимизга жон улашиш шифо ато қилаётган, маҳалларнинг юкини ўз зиммасига оlib, хонадонларда тинч ва фаровон ҳаёт ҳукм суришига ўз улушини қўшаётган ҳар бир аёл таҳсинга сазовордир. Умуман, дунёдаги ҳар бир аёл ҳақида ўнлаб хикоялар, асарлар ёзиш мумкин. Ҳаётимиз мазмуни, қувончимиз бўлган аёлларимиз бахтимизга омон бўлинлар! Биз фарзандларини деб ўз халоватларидан кечган оналаримизнинг умрлари узок бўлсин! Дуоғўй мо-моларимиз саяфи кенгаверсин!

Нур МУҲАММАД

Бўл она оёғин тупроғи...

тишдан улуғ соадат, улкан сабов бўлма-са керак.

Шу ўринда бир нарсани айтиб ўтмасликнинг илжои йўқ. Президентимиз томонидан истиқлолнинг илк йилларидаёқ оналарни эъзозлаш, уларни ҳар томонлама муҳофаза қилиш, хотин-қизлар учун алоҳида имкониятлар яратишга қаратилган чора-тадбирлар кўрилди. Бугун аёлларимиз нафақат оила бекаси, ажойиб тадбиркор, хунарамд, раҳбар, депутат, сенатор ҳамдир. Мамлакат равнақига уларнинг ўрни ва хизматлари бекиёс. Бу, шубҳасиз, Юртбошимизнинг эътибор ва ғамхўрликлари мевасидир. Ўзбек аёллари азал-азалдан улкан салоҳият намоёндалари сифатида доврўв қозонганлар. Буюк Тўмарис, ўз замонасида улкан таъсирга эга бўлган Бибиҳоним, маданий тараққиётимизга муносиб улуш қўшган Зебуннисо Нодиралар, Зулфияҳонимлар издошлари бугун нихоятда қўнлигидан қувонамиз. Ўтган замонларда фақат санокли аёлларини тақдирнинг инояти туфайли ўз имкониятидан фойдалана билган, иқтидорини кўрсата олган бўлса, мустақиллик бундай имкониятни ҳар бир аёлга ҳадя қилди. Аёлларимиз ўз иқтидорлари, билим ва салоҳиятлари билан дунёни лол қолдирмоқдалар.

Мен яна бир тоифа аёллар ҳақида хурмат билан сўз юритишни истардим. Булар ўз турмуш ўртоклари манфаатла-

қиладилар, уларнинг хотиржам фаолият кўрсатишлари учун шароит яратиб берадилар. Уларнинг орасида иқтидорлилари, ке-рак бўлса, ўзлари бир-

Бадиа

рон қорхона ёки ташкилотни бемалол бошқаришга қодирлари кам дейсизми? Улар бу қобилиятларини ҳам турмуш ўртоклари билан баҳам кўрадилар.

Нодираҳон худди шундай аёллар сирасига қиради. Аброр ака билан талабалик йилларида танишишган. Олийгоҳни тамомлаган йиллари турмуш қуришди. Олдинга иккаласи ҳам ўз мутахассисликлари бўйича иш бошланди. Орадан кўп ўтмай, Нодираҳонни бошқармага ишга олишди. Тўғриси, бу Аброр акага бир оз малол келди. Хотиннинг ўзиндан катта лавозимда ишласа, унчалик ёқмас экан. Нодираҳон бунини дарров тушунди. Хўжайинининг қўнглини топиш мақсадида олдингиданда камтарроқ, мулойимроқ бўлишга ҳаракат қилди. Бунини қарангки, тез орада толе Аброрга ҳам қулиб боқди. Вилоят ташкилотларидан бирита раҳбар ўринбосари қилиб тайинланди. Эр-хотин иккаласи ҳам масъулиятли лавозимда ишласа, унчалик тўғри келмас экан. Ишга вақтли бориш, баъзида йнгилишларнинг кечки 9-10га қадар, ундан ҳам чўзилиши оқибатида фарзандлар қаровсиз қолаётгандай эди. Хонадондаги саранжом-сарипталикни таъминлаш ҳам анчайин қийин кечарди. Шунда

● Реклама ва эълонлар

"SHAD SAVDO ZAMIN" MASЪULIYATI CHEKLANGAN JAMIYATI "OCHIҚ TАНЛОВ" SAVDOLARIGA TAKLIF ETADI

Танлов савдоларига Ўзбекистон Республикаси Ва-зирлар Маҳкамасининг 2011 йил 25 майдаги 147-қарори ва Жондор тумани ҳокимининг 2012 йил 14 мартдаги 524-қарорига асосан тадбиркорлик фаолиятини амалга оши-риш учун юридик ва jisмоний шахсларга қуйидаги ер участкаларининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи танловга қўйилмоқда:

Қурилиш моллари дўкони қуриш учун Жондор тумани Самончўқ ҚФЙ Мурғак қишлоғи ҳудудида жойлашган, 60 кв.м ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати 18750 сўм.

Минимаркет биноси қуриш учун Жондор тумани Самончўқ ҚФЙ Мурғак қишлоғи ҳудудида жойлашган, 200 кв.м ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати 43750 сўм.

Талабдорлар диққатига!

Танловда қатнашиш натижасида унга бўлган ҳуқуқ эгалланган ер участкасига нисбатан танлов ғолиби томонидан қабул қилинадиган мажбуриятларнинг бошланғич хажми Жондор туман архитектура бўлими томонидан тайёрланган шаҳарсозлик топширини асосида белгиланади. Шаҳарсоз-лик топширини нуҳаси талабдорларга танлов ҳужжатлари билан берилади. Танлов ғолиби танлов мажбуриятларини бажариш тўғрисида шартнома асосида мажбуриятларини 1 йил муддат ичида бажариши шарт.

Танловда иштирок этиш учун талабдорлардан буюртма-номаларни қабул қилиш хабар матбуотда эълон қилинган

қундан бошланади ва савдо қундан 1 кун олдин, яъни 5 май кунини 18.00да тўхтатилади.

Танловда иштирок этиш истагидаги талабдорлар "Танлов ташкилотчиси" "SHAD SAVDO ZAMIN" масъулияти че-кланган жамиятининг Бухоро шаҳри "Ипотека банк" Сардор филиалидаги МФО: 00119, СТИР: 302097424, 20208000504935078001 ҳисоб рақамига буюртманомани бери-лишидан олдин ер участкасига бўлган ҳуқуқ минимал қий-матининг 10 фоиздан кам бўлмаган миқдоридати закалат пуллари тўлашлари шарт.

Танлов қатнашчиларининг таклифлари қайд этилган конвертлар Жондор туман ҳокимлигида 2012 йил 7 май кунини соат 11.00да очилади, 2012 йил 7 май кунини соат 16.00да мажкур ҳокимлик биносидан танлов ғолиби аниқла-нади.

Комиссия томонидан танлов таклифи энг яхши деб эътироф этилган талабдор танлов ғолиби деб топилади.

Юқоридаги ер участкаларининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи 2012 йил 7 майдаги танловда сотилмаган тақдирда, унинг такрорий танлов савдоси 2012 йил 14, 21, 28 май кунлари соат 11.00да бўлиб ўтишини маълум қиламиз.

Такрорий танловда иштирок этиш учун талабдорлардан буюртманомаларни қабул қилиш савдо қундан бир кун олдин соат 18.00да тўхтатилади. Танлов қатнашчиларининг таклифлари қайд этилган конвертлар Жондор туман ҳоким-

лиги биносидан савдо қуни соат 11.00да очилади ва шу қуни соат 16.00да мажкур ҳокимлик биносидан танлов ғолиби аниқланади.

Танловда қатнашиш истагида бўлган талабдорлар тан-лов ташкилотчисидан танлов ҳужжатларини энг кам ойлик иш ҳақининг бир баравари миқдоридати ҳақ эвазига олади.

Талабдорлар танловда иштирок этиш учун танлов ташки-лотчисига буюртма хат билан бирга қуйидаги ҳужжатлар илова қилинган буюртманомани икки нуҳасида тақдим этади:

— юридик шахслар — давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳнома нуҳаси, шунингдек танловда вако-латли вақилнинг шахсини тасдиқловчи ҳужжат нуҳаси илова қилинган ҳолда унинг танловда қатнашиши учун қонун ҳужжатларида белги-ланган тартибда расмийлашти-рилган ишончнома;

— jisмоний шахслар — паспорт нуҳаси, танловда ваколатли вақил қатнашганда ваколатли вақилнинг шахси-ни тасдиқловчи ҳужжат нуҳаси илова қилинган ҳолда танловда қатнашиш учун қонун ҳужжатларида белги-ланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома;

— танлов ташкилотчисининг банк ҳисоб рақамига зака-лат тўланганлиги тўғрисидаги ҳужжатдан нуҳаси;

— танлов ҳужжатлари талабдорига мувофиқ түзилиб, кон-вертларга жойлаштирилган икки нуҳасида танлов таклифлари.

Тақдим этилган ҳужжатларнинг барча varaқлари талабдор-нинг имзоси, агар талабдор юридик шахс бўлса унинг муҳри ва ваколатли вақилнинг имзоси билан тасдиқланган бўлиши керак.

Танлов ҳужжатлари ва қўшимча маълумотлар учун қуйидаги манзилга мурожаат қилишингиз мумкин:

Бухоро вилояти, Бухоро шаҳри, Мустанқиллик кўчаси, 10-уй. "SHAD SAVDO ZAMIN" МЧЖ. Телефон: 8 (365) 223-69-62.

Лицензия RR-0048

Хизматлар лицензияланган

АЛОҚАЧИ-СПОРТЧИЛАР

ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИДАН МЕДАЛЛАР БИЛАН ҚАЙТИШДИ

Мамлакатимиз истиқлолни қўлга киритган дастлабки йиллардан соғлом ва баркамол авлод тарбиялаш масаласига катта эътибор қаратиб келинмоқда. Бу саъй-ҳаракатлар эътирофи сифатида кўплаб нуфузли халқаро мусобақаларда Ватанимиз байроғининг баланд кўтарилиши, мамлакатимиз мадҳияси қайта ва қайта янграшини мисол қилиб келтириб ўтиш мумкин.



айкино федерациялари вакиллари химоя қилишди.

Жит кун до бўйича беллашувларда супер оғир вазнда Музаффар Газиев бир йўла иккита олтин медални қўлга киритди. Шунингдек, унинг жамоадошлари — Шерзод Абдуллаев (63 кг.), Фурқат Салимов (71 кг.) ва Бурхон Боев (60 кг.) лар ҳам рақибларига

кунда "Aloqa Print" МЧЖда менежер вазифасида фаолият кўрсатган бўлса, Шерзод — Тошкент алоқа касб-хунар коллежи ўқувчиси. Уларнинг иккаласи ҳам "Алпомин" спорт клуби тарбияланувчилари бўлиб, эндиликда ўзлари ҳам ёшларга маҳорат сирларини ўргатишмоқда.

— Бу каби нуфузли мусобақаларда товланиш, қолаверса, чемпионликка эришини ёшларнинг жамиятда муносиб ўрин эгаллашларига замин хозирлайди, — дейди "Aloqa Print" МЧЖ бош директори, "Алпомин" спорт клуби раҳбари Ойбек Норметов. — Шунингдек, алоқачиларнинг тарбиясида келувчилар орасида алоқа ва ахборотлаштириш соҳаси ходимларининг фарзандлари кўпчиликти ташкил этади. Жумладан, "Aloqa Print" МЧЖ ходимлари ҳам бундан ташқари дегунча клубдаги машғулотларга ошқинишади. Шу ўринда, ёшларнинг спорт билан шуғулланишлариغا баҳоли қудрат шароит яратиб бераётган, турли мусобақалардаги иштирокимизга хомийлик қилаётган Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги, "Ўзбектелеком" АК, Электромангнит мослашув маркази раҳбариятига алоҳида миннатдорчилигимни билдирмоқчиман.

Ойбек НОРМЕТОВ,
"Aloqa Print" МЧЖ бош директори:

**Спортга
бугунгидек
эътибор ва
шароит
ҳеч қачон
бўлмаган.**

ҳеч қандай имконият қолдирмай, чемпионат шохсупасига кўтарилишди. Хумоюн Газиев (95 + кг.), Ўрол Қўйбоқов (90 кг.), Семён Атаян (63 кг.) ва Лочин Собиров (55 кг.) лар кумуш, Гагик Саядян (79 кг. гача) ва Руслан Курбонниёзов (79 кг. гача) бронза медалларни қўлга киритишди.

Мазкур мусобақа ғолиблари — Музаффар Газиев ва Шерзод Абдуллаевлар алоқа ва ахборотлаштириш соҳаси вакиллари хисобланишади. Музаффар айни

ҳам суҳбатлашганман — Шарқ яккакурашларининг хақиқий устаси. Фаолиятини самбодан бошлаган, дзюдо бўйича спорт устаси, жанговар айкидо бўйича 7-ДАН, жит кун до ҳамда таэквондо бўйича 5-ДАН, жиу житсу бўйича 4-ДАН кора белбоғ соҳибиди. Суҳбатларимизнинг бирида муваффақиятларинингизнинг сирини нимада дея сўраганимда қуйидагича жавоб олгандим:

— Спорт инсонни фақат олдинга интилишга ундайди. Мен учун иш ҳам спортга ўхшайди: барча ишларимни ўз вақтида бажаришга, вақтдан унумли фойдаланишга ҳаракат қиламан. Худди спортдаги каби керакли натижага эришмагунимча изланавераман. Меҳнатдаги ютуқларимга ҳам қайсидир маънода спорт замин яратган. Агар киши астойдил хоҳласа ва ҳаракат қилса, нафақат битта, балки бир нечта турдаги спорт билан шуғулланиши мумкин. Бунга исталганча мисоллар келтиришим мумкин. Ва ўз тажрибамдан келиб чиқиб айтмоқчиман: спортга бугунгидек эътибор ва шароит ҳеч қачон бўлмаган.

Собит АҲАДОВ,
"Xabar" муҳбири

Лондон олимпиадасига олти йўлланма

Қозоғистоннинг Остона шаҳрида эркин, юнон-рум ва хотин-қизлар кураши бўйича ўтказилган Осиё олимпия саралаш турнирида Ўзбекистонлик эркин курашчилардан беш нафари — Артур Таймазов, Ихтиёр Наврўзов, Рашид Қурбонов, Қурбон Қурбонов, Заурбек Соҳиев ҳамда юнон-рум кураши устаси Мўминжон Абдуллаев шу йил Лондон шаҳрида бўладиган XXX ёзи Олимпия ўйинларида иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритди.

Осиё саралаш турнирининг эркин кураш бахсларида тўртта олтин ва битта кумуш медални қўлга киритган Ўзбекистон терма жамоаси аъзолари умумжамоа ҳисобида биринчи ўринни эгаллади.

Ёш шахматчилар баҳси

Пойтахтимизда шахмат бўйича 12 ва 18 ёшгача бўлган ўсмир-қизлар ўртасида шахмат бўйича ўтказилаётган мамлакат чемпионатида сўнгги тур олдида айрим ёш тоифаларида ғолиблар аниқланди.

12 ёшгача бўлган болалар ўртасидаги мусобақаларда Нодирбек Якуббоев, қизлар ўртасида Асал Салимовалар ғолиб бўлишди.

3:1

Осиё чемпионлари лигаси ва Осиё кубоги бахсларининг учинчи турида иштирок этган жамоаларимиз бир хил ҳисоб қайд этишди. Фақат икки жамоамиз 3:1 кўринишида мағлуб бўлган бўлса, иккинчиси шу ҳисобда ғолиб бўлди.

"Тамба Осака" — "Бунёдор" — 3:1
Голлар: Эсхуто Эндю 14, Рафина 58 (пен), 77 (пен) — Анвар Солиев 90

"Ар-Райан" — "Насаф" 3:1
Голлар: Р. Табата (9), Гоумоу (65), Ахмад Ала Элдин (87) — И.Шомуродов (58)

"Пахтакор" (Ўзбекистон) — "Ал-Араби" (Қатар) — 3:1

Голлар: Шерзод Каримов, 10, Дилшод Шарофитдинов, 76, Темирхўжа Абдухоликов, 90+3 — Леонардо Пискуличич, 37

"Нефтчи" (Ўзбекистон) — "Ал-Аруба" (Уммон) 3:1

Голлар: Бахтиёр Ёкубов 11, — 1:0. Анвар Бердиев 41 (пен), — 2:0.
Мансур Сайдов 62 — Данило Тейшейра (90+4).

Ярим финалчилар маълум

Европа чемпионлар лигаси чорак финал босқичининг жавоб учрашувлари ўтказилди. "Бавария" (Германия) — "Марсел" (Франция) — 2:0

"Барселона" — "Милан" (Италия) — 3:1
"Реал" (Испания) — "АПОЭЛ" (Кипр) — 5:2
"Челси" (Англия) — "Бенфика" (Португалия) — 2:1

Шундай қилиб, ярим финалда қуйидаги жамоалар учрашишади:
"Бавария" — "Реал"
"Челси" — "Барселона"



ЭЪЛОН

"Ипотекабанк" АТИБ Сергели филиалига тегишли 1097115 рақамли 430-шаклдаги патта йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Ўтганларнинг охираги обод бўлсин

"Ўзбектелеком" АК Фарғона филиали жамоаси филиал аудноконференциялар гуруҳи бошлиғи Дониёржон Исмоилов ҳамда 27-АТС ходими Фаридахон Рустамовага волидан муҳтарамалари **Ҳалимахон ИСМОИЛОВА**нинг вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор этади.


"Ўзбекистон почтаси" ОАЖ Қорақалпоғистон филиали жамоаси филиалнинг обуна бўлими бош муҳандиси Зина Наурызовага волидан муҳтарамаси **ИНЯТ қиз ХАНЗАДА**нинг вафот этганлиги муносабати билан таъзия билдиради.

Тошкент врачлар малакасини ошириш институтига йўлнинг тушса, кўпчиликдан Ширин опа Атанязова ҳақида илқ фикрлар эшитишнинг аниқ. Бундай дейишимизга сабаб, опа ширинсухан ва хушмуомала бўлиб, хузурига кирган инсонни бир лаҳзада ўзига ром этади. Қолаверса, ўн йилдан буён ушбу муассасада самарали фаолият кўрсатаётгани боис нафақат жамоадолларнинг, балки малака оширишга келганларнинг ҳам яқин кишига айланиб қолган.

1945 йилнинг 8 сентябрида Тўртқўл туманида туғилган Ширин опанинг келажакдаги орзуси стоматолог бўлиш эди. Эслайди: Болалик даврида яқин дугоналаридан бирининг тиши оғриб қолди. Оғриқнинг зўридан тинмай йиғлаётган дугонасига қараб мурғак қизалоқнинг кўнглида изтиробли хаёллар кечди. Бинобарин, тиш дўхтирининг муолажасидан сўнг соғайиб кетган дугонасига қараб унда келажакда стоматолог бўлиш орзуси уйғонди.

Бу орзу уни мактабда кунт билан ўқишга ундади, кейин эса ТошМИнинг стоматология факултетига етаклади. Имтиҳонлардан муваффақиятли ўтган Ширин опа тиришқоқлик билан ўкиди, ўзи танлаган соҳанинг етук мутахассиси бўлиш учун астойдил ҳаракат қилди.

Бу ҳаракатлар бесамар кетмади. 1968 йили институтни тугатган Ширин опа Хоразм вилоят поликлиникасида фаолиятини бошлади. Ширинсуханлиги, етарлича малака ва тажрибага эгаллиги



боис жамоадолларининг, олдига келган беморларнинг эътиборини қозонди. Ана шу эътиборнинг самараси ўлароқ бу ерда 30 йил муқим ишлади, 17 йил бўлим бошлиғи лавозимида фаолият кўрсатди.

— 2002 йили касбим тақозоси билан Тошкент врачлар малакасини ошириш институтига фаолият бошлайдиган бўлдим, — дейди Ширин опа биз билан суҳбатда. — Қадрдон жамоа, яқиндан таниган-билган инсонлар билан хайрлашиш жуда қийин кечар экан. Ўз навбатида, бошқаларда ҳам

худди шундай ҳолат эди. Уларнинг самимийликка йўғрилган сўзларини эшитганимда кўнглимда танлаган касбимдан яна бир бор фахр ҳиссини туйдим.

“Сийланган жойда азиздир инсон” дейишади. Не бахтки, Ширин опа янги иш жойида ҳам азиз инсонлардан бирига айланди. Ушбу муассасада катта инспектор бўлиб фаолиятини бошлаган қахрамонимиз тез орада катта-кичикнинг эътиборини қозонди. Йиллар ўтиши билан бу эътибор эътирофга айланди.

Самарали фаолияти туфайли жамиятда, ҳаётда ўз ўрнини топган Ширин Атанязова оилада ҳам тўқис бахтга эришганлардан. Бугунги кунда фарзандлари Темура, Эркин, Индра турли соҳаларда меҳнат қилиб, ота-онанинг ишончини қозонмоқда. Жажжи неваралари Ширин опанинг жону дили.

— Инсон қачонки танлаган касбидан кўнгли тўлса, ҳаётда кўплаб муваффақиятларга эришади, — дейди Ширин опа. — Бунга фаолиятим давомида жуда кўп бор ишонч ҳосил қилдим. Шу ўринда айтиш ўринлики, мустакиллик йилларида мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимига давлат сиёсатининг устувор вазибаларидан бири сифатида жуда катта эътибор қаратилмоқда. Аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш борасида улкан ютуқларга эришиш баробарида соҳа ходимларига кўнглидагидек ишлашлари учун етарлича шароит яратиб берилмоқда. Мисол тариқасида ўзим фаолият кўрсатаётган муассасани оладиган бўлсак, бу ерда энг сўнгги русумдаги жиҳозлар мавжуд. Умуман олганда, мамлакатимизнинг барча соғлиқни сақлаш муассасаларида ана шундай шароит бор. Бунга юртимизнинг турли ҳудудларидан малака оширишга келган врачлар билан суҳбатлашганимда яна бир бор ишонч ҳосил қиламан.

Дарҳақиқат, Ширин опанинг гапларида жон бор. Касбини эъзозлаб, эл-юрт ўртасида хурмат қозонаётган ана шундай инсонларнинг борлигидан хурсанд бўлсак арзийди.

Ойгул РАЗЗОҚОВА,
журналист

Аҳилликдан мустаҳкам қўрган

2012-YIL — MUSTANKAM OILA YILI

Бу оила ҳақида гап кетганда кўпчилик шифокорлар оиласи деб эъзозлашади. Бу бежиз эмас, албатта. Чунки оила бошлиғи Каримбой ака мутахассислиги бўйича лор врач, тиббиёт фанлари доктори, профессор. У кишининг турмуш ўртоғи Юлдузхон опа ҳам тиббиёт фанлари доктори, профессор, малакали акушер-гинеколог. Катта фарзанди Алишержон ҳам ота-она изидан бориб, шифокорликни танлаган. Улугбек билан Зебунисо гарчи бошқа соҳани танлаган бўлса-да, уларда ҳам шифокорликка ҳавас кучли. Бинобарин, оиладаги муҳит туфайли унча-мунча шифокор биладиган нарсани улар ҳам билади.

Ҳикоя қилаётганимиз — Тошкент шаҳар Соғлиқни сақлаш бош бошқармаси бош отоларингологи Каримбой ака Жабборов оиласи бугунги кунда юртимиздаги ҳавас килгулик оилалардан бири. Бундан 45 йил муқаддам ТошМИнинг даволаш факултетини тугатган Каримбой ака ўтган йиллар давомида юртимиз соғлиқни сақлаш тизимининг турли йўналишларида самарали фаолият кўрсатди. Бирда туғилиб ўсган юрти Хоразмда, бирида эса ўкиб

билим олган шаҳри Тошкентда масъулиятли лавозимларда ишлади. Шу билан бирга, илмий изланишлар олиб бориб, аввалига номзодлик, кейин эса докторлик диссертациясини муваффақиятли ёқлади.

У кишининг турмуш ўртоғи Юлдузхон опа нафақат ҳаётда, балки илмда, фаолиятда ҳам йўлдошлик қилди. Боиси Юлдузхон опа Каримбой акага елкама-елка туриб ҳаёт ҳамда илмдаги, фаолиятидаги барча босқичларни босиб ўтди.

— Юлдузхон билан бешинчи курсда танишиб қолганмиз, — дейди Каримбой ака. — Тўй бўлгунча бир-биримизни синаб, ишонч ҳосил қилгандан сўнг турмуш қурганмиз. Ана шу ўртадаги ишонч туфайли доимо бир-биримизни тўғри тушуниб, ҳаёт синовларидан ўтдик. Мен бу гапларни айтишимга сабаб, Юлдузхон фарғоналик, мен эса хоразмлик. Ўқишни тугатганимдан сўнг мен билан бирга Хоразмга бориб ишлади, илмий изланишларимни доимо қўллаб-қувватлади. Ўзи ҳам изланишдан тўхтамади. Ўртада шириндан-шакар фарзандларимиз туғилгач, оиламиз янада мустаҳкамланди. Бугун фарзандларимизнинг камолини, қолаверса, меҳнатимиз самарасини кўриб кўнглимда

фахр билан бирга шукроналик ҳисси жўш уради.

— Каримбой ака оддий оилада туғилиб ўсгани боис талабалик пайтларидаёқ камсуқум, камтар эди, — дейди Юлдузхон опа хушхоллик билан. — Қолаверса, ҳар бир ишга масъулият билан қараб, атло баҳоларга ўқишга ҳаракат қиларди. Тақдир экан, бир-биримизни тушунган ҳолда турмуш қурдик. Ҳаётимиз, фаолиятимиз давомида ўша хислатларини асло йўқотмади. Менинг изланишларимни, ҳаракатларимни ҳам қўллаб-қувватлаб ўзидан кам қўрмади. Эсимда, 1992 йил Санкт-Петербург харбий медицина академиясида докторлик диссертациясини муваффақиятли химоя қилганидан сўнг менга барча шарт-шароитларни яратиб беришга ҳаракат қилган эди. Ана шу қўллаб-қувватлашлари туфайли илмий изланишларим ўзининг ижобий самарасини берди.

Одатда, халқимизда тўқис бахт тушунчаси оиланинг мустаҳкамлиги билан ўлчанади. Шу маънода Каримбой аканинг оиласида ҳам бахт ҳукмрон. Истардикки, ана шу бахт доимий бўлсин!

О.САЪДУЛЛАЕВА

<p>Xabar</p> <p>МУАССИС:</p> <p>ЎЗБЕКИСТОН АЛОҚА ВА АХБОРОТЛАШТИРИШ АГЕНТЛИГИ</p> <p>Бош муҳаррир: Абдусайд КҮЧИМОВ</p>	<p>ТАХРИР ҲАЙЪАТИ: Ҳасан МУҲИТДИНОВ (Ҳайъат раиси), Асадулло ХҲҲАЕВ, Миродил САНГИЛОВ, Шухрат СОДИҚОВ, Шухрат АТАМУҲАМЕДОВ, Сувоп НАҲБИДДИНОВ, Рустам ҚОСИМОВ, Абдуғани АБДУРАҲМОНОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Лутфилло ТУРСУНОВ (масъул котиб).</p>	<p>МАНЗИЛИМИЗ:</p> <p>100043, Тошкент, Бунёкор шоҳқўчаси, 8-уй. Тел.: 288-40-65; 288-40-66, 288-40-69. Факс: 288-40-72. E-mail: info@xabar.uz</p> <p><i>Обуна индекси — 228.</i></p>
	<p>Тахририятга келган кўлема ва суратлар эгаларига қайтарилмайди. Муаллифларнинг фикрлари тахририят фикридан фарқлашиши мумкин. Нашримиздан кўчириб босилганда “Xabar”дан олинганлиги кўрсатилиши шарт.</p>	<p>Газета тахририят компютер базасида терилди ва сақланган.</p> <p>Дизайнер: Аслимдин БҮРИЕВ. Навбатчи: Лутфилло ТУРСУНОВ.</p>
<p>Газета Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 0016 рақами билан 2006 йил 6 декабрда рўйхатга олинган.</p>	<p>Газета ҳафтаинг жума кунни чиқади</p> <p>“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида чоп этилди. Мавзил: Тошкент шаҳри, “Буюк Турон” кўчаси, 41-уй.</p>	<p>Г-452 сонли буюртма. Офсет усулида босилди. Қоғоз бېчими А-3, ҳажми 4 босма табақ. Алади: 16281 нусха.</p>
<p>Вилоят муҳбирлари:</p>	<p>Андижонда 226-47-80</p> <p>Бухорода 223-27-85</p> <p>Гулистонда 40-12-19</p> <p>Жиззахда 226-06-34</p> <p>Навоийда 225-91-10</p> <p>Наманганда 232-97-86</p> <p>Нукусда 554-35-45</p> <p>Самарқандда 233-61-81</p> <p>Термизда 224-06-12</p> <p>Тошкентда 288-40-66</p> <p>Урганчада 226-37-16</p> <p>Фарғонада 224-91-56</p> <p>Қаршида 314-08-99</p>	<p>ISSN 2010-6424</p> <p>Босишга топширилди — 20.00. Босишга топширилиш вақти — 20.00.</p>